



XASR



ЎТМОИЙ-СИЙОСИЙ
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 15 март, пайшанба
11-(435)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



2011 йили ВИЛОЯТДА ЖАМИ
86 МИНГ 632 ТА ЯНГИ ИШ
ЎРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
БЎЛСА, УНИНГ ҚАРИЙБ 70
ФОИЗИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИГА
ТЎҒРИ КЕЛДИ



ҚОРАҚАЛПОФИСТОНДА 10156
НАФАР О'ZLIDER АЪЗОСИ
БЎЛИБ, УЛАРНИНГ 5861
НАФАРИНИ 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН
ЁШЛАР ТАШКИЛ ЭТМОҚДА



БАНҚДАН АЖРАТИЛГАН
520 МИЛЛИОН СЎМ
МАБЛАҒ ЭВАЗИГА
ВИНОЛАР ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ЦЕХЛАРИ
ТАЪМИРЛАНДИ

Сиёсий таълим

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР МУВАФФАҚИЯТ МЕЗОННИ БЕЛГИЛАЙДИ

О'ZLIDER ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ
КЕНГАШИ ХУЗУРИДАГИ
СИЁСИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ
КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ
ОСТОНАСИДА» НОМЛИ АСАРИ
АСОСИДА ХУДУДДАГИ
ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИ ВА
БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ
ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН
ТУРКУМ СЕМИНАРЛАР
ЎТКАЗИШГА КИРИШДИ

Мазкур ўқувларда давлатимиз
раҳбарининг «Бизнинг йўлимиз —
демократик ислохотларни чуқурлаш-
тириш ва модернизация жараёнлари-
ни изчил давом эттириш йўлидир»
номли маърузасида баён этилган
фикрлар асосида партия фаоллари
зиммасидаги вазифалар ҳам муҳо-
кама қилинмоқда.

2 >>>

«Ташаббус — 2012»

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА
ЖОЙЛАРИДА БЎЛГАН КАБИ
НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ҲАМ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН
ТАДБИРКОР, ХУНАРМАНД ВА
ФЕРМЕРЛАР ЎРТАСИДА
ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН
АНЪАНАВИЙ «ТАШАББУС»
ҚҮРКМ-ТАНЛОВИНИНГ
ХУДУДИЙ БОСҚИЧЛАРИ
БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Хозиргача вилоятнинг Қонимех,
Навбахор, Қизилтепа, Томди, Нурота
туманларида ўтган танловларда тегиш-
ли йўналишлар бўйича ғолиблар аниқ-
ланиб, уларга вилоят босқичида қат-
нашиш учун йўланмалар берилди.

Навоийдаги «Ширин» маданият
саройида бўлиб ўтган «Ташаббус-2012»
қўрқм-танловининг шаҳар босқичида
элликдан зиёд тadbirkor ва хунарман-
лар томонидан ишлаб чиқарилган
махсулотлар кўргазмаси ташкил этил-
ди.

Танловда «Қўшчинон гушт» ишлаб
чиқариш хусусий корхонаси раҳбари
Анвар Хасанов «Энг яхши тadbirkor»
Ўзбекистон Бадий академияси-
нинг шаҳар бўлими ходими Юрий
Кузнецов «Энг яхши хунарманд» но-
минациялари бўйича ғолиб деб топи-
лди. Шунингдек, бошқа бир қатор но-
минациялар бўйича ҳам ғолиблар
аниқланди. Ғолиб ва совриндорларга
диплом ва эсдалик совғалари топи-
рилди.

(Ў.А.)

БУГУНГИ СОНДА:

ХАТОЛАРДАН КИМ ҚАНДАЙ ХУЛОСА ЧИҚАРАДИ?

ЎТГАН ЙИЛИ ФИЖДУВОН ҲАМДА КОРОВУЛБОЗОР
ТУМАНЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР ВА
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИ ХИСОБИДАН
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИХАЛАРИ АМАЛГА
ОШИРИЛГАН БЎЛСА-ДА, ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР
ИШТИРОКИДА БИРОНТА ҲАМ КОРХОНА ИШГА
ТУШИРИЛМАДИ.

4 >>>



Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги — долзарб масала

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ
ИНСТИТУТИДА «ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАР ИЖРОСИ ВА УЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР ЎТКАЗДИ

Тadbirkor 1999 йилда
қабул қилинган мазкур
қонун туфайли гидротех-
ник иншоотлар хавфсиз-
лигини таъминлашга жуда
катта эътибор қаратилди

бошланганига эътибор қарати-
лди. Унинг жойлардаги
ижросини таъминлаш мақса-
дида ўтган йиллар давомида
Вазирлар Маҳкамасининг
махсус қарори ва 15 дан зиёд

қонуности ҳужжатлари ама-
лиётга татбиқ этилган.
— Бугунги тadbirkorнинг
соҳа учун етук мутахассис-
лар тайёрлаб берадиган
олий ўқув юртида ўтказила-

тгани ҳам бежиз эмас,
— деди Аграр ва сув хўжали-
ги масалалари қўмитаси ра-
иси Муҳаммадсўф Теша-
боев.

2 >>>

«Аёллар қаноти»

Орзулар мақсадга айланаяпти

О'ZLIDER СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ
«АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ТОМОНИДАН 2012 ЙИЛНИНГ ЎТГАН
ДАВРИДА «МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНГАН
268 ТА ТАДБИР ЎТКАЗИЛИБ, УЛАРДА 11 МИНГДАН ЗИЁД
ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОК ЭТДИЛАР

— Албатта, муҳи-
ми тadbirkorларимизда
қанча опа-сингилла-
римиз иштирок этга-
ни эмас. Асосийсе,
жойлардаги учрашу-
лардан кейин эри-
шилган натижадир,
— дейди бўлим раҳ-
бари Севара Мусли-
мова. — «Мустаҳкам

оила йили» Давлат дас-
туридан келиб чиқадиган
вазифаларни бажаришга
қаратилган туркум тadbirkor
орқали хотин-қизларни
ишбилармонлик фаолиятига кенг
жалб этишга алоҳида
эътибор қаратаёلمиз.
Айни пайтда партия аъзо-
ларининг 37 фоизини

хотин-қизлар ташкил
этишини инobatга олсак,
улар бошини қовушти-
риш, жамиятимизнинг
фаол аъзоларига айлан-
тириш борасидаги масъ-
улиятни тeрaнpoк хис
этамиз.

— Аёлларимизнинг
оилапарварлик, ишчан-
лик фаизатлари хар-
канча тахсинга лойик.
Аммо соҳаси бўйича чу-
қур билим ва қўникмага
эга бўлмаган, мавжуд
қонуналар, ҳукумат қарор-
ларини пухта билмаган
тadbirkor ўз бизнесини
тўғри йўлга қўйиши
кийин кеади, — дейди
бўлимнинг етакчи ходими
Нилуфар Хотамова.

— Шунинг инobatга
олиб, асосий эътиборни
ишбилармон манфаатини
ифодаловчи тadbirkorларга
қаратаёلمиз.

2 >>>

Локализация

«LEMKEN CHIRCHIQ» ЙЎЛГА ТУШДИ

Ўзбекистонда қишлоқ
хўжалиги техникаларини
ишлаб чиқаришга
ихтисослашган яна бир қўшма
корхона ташкил этилди.
Германиянинг «Lemken»
компанияси ва маҳаллий
«Чирчиксинлов» ОАЖ
савий-харааати билан барпо
этилган «Lemken Chirchik»
МЧЖ цехларида турроққа
ишлов берадиган замонавий
техника турлари йонла
бошланди.

Жорий йилининг биринчи
яриликда буюртмалар спазиб
берилиш мақсад қилинган қўшма
корхонада йилга 3,5 минг
дона култиватор ҳамда
турли қўрғинидаги 500 та
плут ишлаб чиқариш кўлади
тутилган.

Ўз навбатида, қўшма корхона
5 йил муддатга бир қатор
солиқ ва бошқона
тўловларидан озод этилган
унинг фаолиятини янада
ривожлантириш имконини
бераётир. Айни кунда
«Lemken Chirchik» МЧЖ
таъсисчилари томонидан 2012-
2014 йилларга мўлжалланган
локализация лойиҳаси ишлаб
чиқилди. Унга қўра, ерга
ишлов берадиган техниканинг
асосий қисмини
мамлакатимизда ишлаб
чиқариш кўлади тутиляпти.


2012 йил — «Мустаҳкам оила йили»

Андижонда ислохотлар изчиллиги таъминланмоқда

2012 ЙИЛИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «2012 ЙИЛГИ ДАВЛАТ
ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ» ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИГА
АСОСАН 767 МЛРД. СЎМ МАБЛАҒ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ,
ХУДУДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИГА ҚЎРА, 22 ТА
ЛОЙИХАГА 46,2 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДАГИ
МАБЛАҒ САРФЛАНИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН

Таҳлилчилар бу
кўрсаткичнинг 2011 йил-
дагига нисбатан 1,2 мар-
та кўп эканини алоҳида
таъкидламоқдалар. Бун-
дан ташқари, «Мустаҳ-
кам оила йили»да 450 та
ишлаб чиқариш қуввати-
ни фойдаланишга топ-
шириш, жумладан, 106
та ноозик-овкат ва 26 та
озик-овкат махсулотлари
ишлаб чиқариш корхо-
налари фаолиятини
йўлга қўйиш учун 155,7
млн. АҚШ доллари миқ-
дорда маблағ ўзлашти-
риш режалаштирилмоқ-
да. Натижада 2794 та
янги иш ўрни яратила-
ди.

Хакикатан ҳам, Ан-
дижонда амалга ошири-
лаётган кенг қўламли
ислохотлар туфайли
иктисодиётнинг барча
жабхаларида улкан му-
ваффақиятларга эри-
шилмоқда. Вилоят аҳли-
нинг фидокорона меҳна-
ти эвазига иктисодиёт-
нинг йилдан-йилга ўсиб
бораётгани аҳоли тур-
муш тарзининг бутун-
дан-да яхши бўлишдан
далолат бермоқда.
Шу маънода олиб
қаралса, жорий йилда



вилоятни ижтимоий-икти-
содий ривожлантириш да-
стурига қўра, ялпи худуд-
ий махсулотнинг ўсиш
суръати 8 фоиздан кам
бўлмаслиги тахмин қили-
наяпти. Саноатда 106,6,

қишлоқ хўжалигида 105,
қурилишда 115,3, чакана
савдода 112,5, хизмат
кўрсатиш соҳасида 116,8
фоизга ўсиш кўтилмоқда.

2 >>>

Denymamluk гуруҳларига

Дастур Шахрисабздан Нишонгача бўлган худудни камраб олади

ҚАШҚАДАРЁДА О'ZLIDER ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ
ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН КИЧИК САНОАТ ВА МАИШИЙ
ХИЗМАТ КОРХОНАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЯНГИ ИШ
ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ ДАСТУРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Президентимиз-
нинг «2012 йил — Ва-
танимиз тараққиётини
янги босқичга кўтари-
диган йил бўлади»
номли маърузаларида
белгиланган бўлиб, вазифаларни рўёбга чи-
қариш, хусусан, кичик
бизнес ва хусусий тadbirkor-
ликни янада
ривожлантириш эвази-
га аҳоли бандлигини
таъминлаш бўйича
О'ZLiDeP тузиламала-
ри, депутатлик гуруҳ-

лари томонидан тизимли
чора-тadbirkorлар амалга
оширилмоқда. Бунга
Қарши шаҳри, Шахри-
сабз, Китоб, Камаш ва
Нишон туманларида хо-
рижий ва маҳаллий инве-
стициялар иштирокида
кичик саноат корхонала-
ри, маиший ва сервис
хизматини ташкил этиш
орқали янги иш ўринла-
ри яратиш бўйича
О'ZLiDeP Қашқадарё ви-
лоят кенгашидаги депу-
татлик гуруҳининг хара-

кат Дастури ишлаб чиқ-
қанлиги ва ушбу дастур-
нинг вилоят миқёсида
қабул қилингани ҳам ми-
сол бўлади.

Дастурда асосий эъти-
бор оилавий тadbirkor-
ликни ривожлантириш,
ёшларни тadbirkorликка
кенгроқ жалб этиш, ма-
ҳаллий ишлаб чиқариш-
ни кенгайтириш ва жой-
лардаги мавжуд ички им-
кониятларни ишга со-
лишга қаратилган.

4 >>>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 13 МАРТДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА
ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУҲАЛТЕРИЯ ХИСОВИ.
Статистик ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун
хорижий валюталарнинг сўғи нисбатини қуйидаги қийматини белгилади:
*) Валюта қийматини белгилаш чўлида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

1 Австралия доллари ▼ 1933,04
1 Англия фунт стерлинги ▼ 2875,70
1 Дания кронаси ▼ 323,42
1 БАА дирҳами ▲ 499,80

1 АҚШ доллари ▲ 1835,75
1 Миср фунти ▲ 304,44
1 Исландия кронаси ▼ 14,52
1 Канада доллари ▼ 1849,44

1 Ҳитой юани ▼ 290,29
1 Малайзия ринггити ▼ 606,86
1 Польша злотийси ▼ 587,97
1 СДР ▲ 2831,08

1 Туркия лираси ▼ 1027,80
1 Швейцария франки ▼ 1992,56
1 ЕВРО ▼ 2421,72
1 Жанубий Корея юни ▼ 16,36

1 Япония иенаси ▼ 223,00
1 Россия рубли ▼ 62,14
1 Украина гривнаси ▲ 229,81

Жараён

Гидротехник иншоотлар
хавфсизлиги — долзарб масала

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАҲАБОВ,
«XXI ASR»

— БМТ маълумотларида 2050 йилга бориб дунёда сувга бўлган эҳтиёж аини пайтдаги кўрсаткичлардан 70 фоизга ошиши тахмин қилинмоқда. Демак, соҳада олиб борилаётган модернизация жараёнлари янада ривожлантириш, бу борада Тошкент ирригация ва медиорация институти олимлари, иқтисодий талаба-магистрларнинг истикболли инновацион лойиҳаларини тайёрлаш бўйича таклифларини чуқур ўрганиш низоҳида муҳим масалалардандир.

— Гидротехник иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш, уларни реконструкция қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар, видеокузатув мосламалари билан жиҳозлашга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан ташқари хорижий инвестиция ҳам жалб этилмоқда, — деди Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Равшан Мамутов. — Натижада кейинги йилларда тармоқнинг моддий-техник базаси тубдан яхшиланиб, нафакат сув омборлари, балки сув хўжалиги тизимидаги насос станциялари фаолияти ҳам бутунлай ўзгарди. Ўз навбатида, жабонда сув танқислиги муаммолари тобора кескинлашаётган бир пайтда Ўзбекистонда обихаётни тежаш борасида жуда

юксак натижаларга эришилмоқда. Мисол учун, XX асрнинг 90-йилларида мамлакатимизда йилига 63 миллиард метр-куб ҳажмида сув сарфланган бўлса, аини пайтда бу кўрсаткич 52 миллиардга ташкил этмоқда. Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистон гидротехник иншоотлар соҳасидаги бошқарув қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилаётган ягона давлатдир.

О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдухалик Жабборовнинг фикрича, гидротехник иншоотларни қуриш, фойдаланишга топириш, ўз вақтида таъмирлаш ва реконструкция қилишда белгиланган хавфсизлик нормалари ва қоидаларига тўлиқ риоя этилиши устидан назоратни янада кучайтириш, унинг доимий мониторингини юритиш долзарб масалалардан биридир. Бундай объектларнинг дарёлар ўзанига туташ ҳудудларда жойлашганини ҳисобга олган ҳолда, қандайдир хавф юзга келган тақдирда ён-атрофдаги аҳоли, муассаса ва ташкилотларни зудлик билан хабардор қилиш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Муҳокама қилинган масалаларнинг долзарб эканини инобатга олган ҳолда, семинар иштирокчилари аҳоли ва ҳудудлар муҳофазасига оид ахборотларни тўллаш ва тарқатиш, сув омборлари атрофидаги флора ва фаунага зарар етказмаслик борасида қўллаб



таклиф ва мулоҳазаларни ҳам билдирдилар.

Тадбир якунида «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида

кабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланилиши ва уларни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сиёсий таълим тизими

Малакали мутахассислар
муваффақият мезонини белгилайди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Қахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

О'zLiDeP Олмалик шаҳар кенгаши аппарат ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, депутатлик гуруҳи аъзолари ва тадбиркорлар иштирок этган навбатдаги тадбирда демократик ислохотлар жараёнида депутатлик гуруҳлари ва бошланғич ташкилотларнинг роли, «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини ўрнатилиш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Анжуманда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби жамиятимиз маънавий ҳаёти ва халқимиз сиёсий тафаккурини бойитишда улкан аҳамиятга молик воқеа бўлгани, аждодларимизнинг асрий ғуруҳи бўлган, бугунги кунда қўмиллатили халқимиз учун энг улуғ, энг азиз қадриятга, барча эзгу мақсад ва ҳаракатларимиз, бунёдкорлик ишларимиз манбаига айлانган мустақилликка эришиш йўлида олиб борилган ўта оғир ва машаққатли курашлар

тарихи бош мавзуга айлангани таъкидланди.

— Унинг ҳар бир бандини чуқур ўрганиш ва аҳолининг кенг қатламлари орасида тартиб қилиш О'zLiDePнинг асосий йўналишларидан бирига айланмоқда, — деди тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Қомиллов. — Чунки бугунги глобаллашув ва ахборот ҳуружлари даврида тарихимизнинг ҳаққоний лаҳзалари акс этган ушбу асар моҳиятини фуқаролар, айниса, ёшлар онига сингдириш уларнинг менталитетимизга ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда, энг аввало, жойлардаги депутатлик гуруҳлари ва бошланғич ташкилотлар кучига таяниш лозим.

— Жорий йилдаги ўқувларимизда депутатлик гуруҳлари аъзолари ва бошланғич ташкилот етакчиларининг сиёсий онги ва ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратаямиз, — деди О'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Д.Дарвешова. — Ўқув-семинарларга сиёсатшунос олим ва мутахассисларни жалб

қилганимиз эса олдимизда турган долзарб вазифа — сиёсий таълим тизими сифати ва самарадорлигини оширишга ҳизмат қилаётти. Улар кўмағида «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобининг мазмун-моҳиятини маслақдошларимизга етказаямиз. Шунингдек, семинарда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлоднинг тарбиялашдек эзгу мақсадни қўзлаган «Мустақкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш ҳам зиммамиздаги асосий вазифалардан эканига алоҳида урғу берилди.

Тадбирда жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва Қонунчилик палатасига тақдим этиш, жамоатчилик назоратининг самарадорлигини ошириш, партия электорати билан ишлаш янада яхшилаш борасида қўллаб-қувватлаш ва мулоҳазалар билдирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кўргазма

МОҲИР
УСТАЛАР
ИЖОДИДАН
НАМУНАЛАР

Ўзбекистон Бадний академияси Марказий кўргазмалар залида халқ амалий санъати усталари ижодий ишларининг «Наврўз — 2012» кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадний академияси раиси, халқ rassоми А.Нуриддинов, санъатшунос А.Ҳасинов ва бошқалар Президентимиз Ислам Қаримов раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга оид кенг қўламли чора-тадбирлар ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, улар онига эзгу ғояларни сингдириш, маънавиятини юксалтиришдек улғувор мақсадларга ҳизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандликни равиқ топтириш, унуттирилган мактаб ва йўналишларни тиклаш, «устоз-шогирд» анъанасининг бардавонлигини таъминлаш бўйича қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Бу жараёнда узок йиллардан буён ота-боболар қасбини ардоқлаб келган, ўз йўналишида мактаб яратган моҳир усталар, танисли сулола вақиллари ижодини ўрганиш, уларнинг маънавий меросидан ёшларни баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Кўргазмада ўзбек халқ амалий санъатининг ифтихорига айланган уста-хунармандлар томонидан тайёрланган ижод намуналари томошабилар эътиборига ҳавола этилган. Машҳур чинтар Абдурахмон Абдуғуфуров, мусиқа асбоблари устаси Усмонов Зуфаров, моҳир ганчкор Тошўлат Арслонқулов сингари қўллаб-қувватлаш хунармандлар томонидан ишланган буюмлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимиздаги етакчи музейларда сақланаётган мақур асарлар жаҳондаги нуфузли кўргазмаларда ҳам намойиш этилган.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ОРАСИДА
Ўзбекистон гидротехник иншоотлар соҳасидаги
бошқарув қонун ҳужжатлари асосида амалга
оширилаётган ягона давлатдир.

2012 йил — «Мустақкам оила йили»

Андижонда
ислохотлар изчиллиги
таъминланмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Темур
АБДУРАҲМОНОВ,
«XXI ASR»

Масалан, «ЖМ Ўзбекистон» корхонасида «Молибу» (900 дона) ва «Кобальт» (9 минг дона) русумидаги янги автомобиллар ишлаб чиқарилишининг ўзиёқ нафакат вилоят, балки мамлакатимиз нуфузини ҳам янада ошириши шак-шубҳасиздир.

Шунингдек, мавжуд ресурс ва имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган 12 та корхонада кооперацион алоқалар йўлга қўйилди.

Жорий йилда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилажак 107 та лойиҳа ҳисобига эса 65 млрд. сўмлик (2011 йилга нисбатан 1,6 марта кўп) иш бажарилади.

Мавжуд экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 1146,5 км. коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ва реконструкция қилиш, 21,9 км. ёпиқ дренаж тармоқларини тиклаш ва таъмирлаш, 126 та кузатув тармоқини тозалаш, 16 та сув ўлчаш иншоотини тиклаш, 22 та қувурли ўтиш жойларини таъмирлаш ишлари олиб борилаётти. Бу 17916 гектар ер майдонининг ҳосилдорлиги кескин ортади, дегандир.

Бундан ташқари, вилоятга 333 та кишлоқ хўжалиги техникаси, жумладан, 114 та хайдов трактори, 12 та транспорт воситаси, 1 та «Клас доминатор», 63 та чопиқ трактори, 48 та культиватор сингари техника воситаларининг келтирилиши кутиляпти. Улар жорий йилда 283 минг тонна пахта, 618 минг тонна дон, 201 минг тонна картошка, 1000,4 минг тонна сабзавот,

414,9 минг тонна мева, 75 минг тонна полиз, 48,3 минг тонна узум, 104,2 минг тонна гўшт, 641,9 минг тонна сут ва 272 млн. дона туҳум маҳсулотлари етиштирилишини таъминлашга ҳизмат қилади, албатта.

Ўрни келганда етиштирилаётган маҳсулотларни куз-киш мавсумида сақлаш бўйича олиб борилаётган тайёргарлик ишларини ҳам таъкидлаш жоиздир. Шу мақсадда манзилли дастур асосида жами 3 минг 200 тонналик 10 та мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган совутич сичимлари ишга

640 минг кв.м. уй-жой қурилади. Шаҳар ва кишлоқ йўллари таъмирлаш, сув қудукларини қуриш ва реконструкциялаш, 100 км. газ, 136,6 км. сув тармоқлари ишга тушириш ишлари ҳам жадал олиб бориляпти.

Жорий йилда ҳизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш учун жами 1218 та ҳизмат кўрсатиш объекти ишга туширилади. Жумладан, янги турдаги, яъни тайёр овқатни уйга етказиб бериш, тўй маросимларини таш-

ЭРИШИЛАЁТГАН
МУВАФФАҚИЯТЛАР, АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН УЛУҒВОР ИШЛАР,
АВВАЛАМБОР, ИНСОН УЧУН, ИНСОН БАХТ-
САОДАТИ УЧУНДИР. УШБУ АҚИДА 2012 ЙИЛДА
ҲАМ АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ БОШ ШИОРИГА
АЙЛАНГАН, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.
БУНИ ИЖТИМОИЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИНИ
ҚУРИШ ВА ТАЪМИРЛАШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ
ҚАРАТИЛАЁТГАНИ ҲАМ КўРСАТИБ ТУРИБДИ.

туширилади. Йиллик қуввати 1000 тоннага эга бўлган 2 та гўштни, 500 тонна сутни қайта ишловчи 3 та, 300 тонна мева-сабзавотни қадокловчи 2 та корхонанинг ишга туширилиши режалаштирилган.

Чорвачилик соҳасини ривожлантириш дастурига асосан 13 та паррандахона, 12 та балкичилик, 11 та асаларчилик ва 23 та чорвачилик хўжалиги ташкил этилади.

Эришилаётган муваффақиятлар, амалга оширилаётган улғувор ишлар, авваламбор, инсон учун, инсон бахт-саодати учундир. Ушбу ақида 2012 йилда ҳам андижонликларнинг бош шиорига айланган, десак муболага бўлмайди. Бунини ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлашга алоҳида аҳамият қаратилаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Жорий йилда вилоятда жами 50 та ижтимоий соҳа иншоотлари қурилади, реконструкция қилинади ёки капитал таъмирдан чиқарилади. 17 та умумтаълим мактаби реконструкция қилиниб, 5 таси мукамал таъмирланади, 2 таси янгида бунёд этилади. 7 та коллеж, 8 та совлиқни сақлаш муассасаси, 2 та стадион, 3 та сузиш хавузаси, 5 та мусиқа ва санъат мактаби реконструкция қилинади, 4 та мактабда спортзал қурилиб, фойдаланишга топширилади.

кил қилиш, уй ишларини бажариш бюрolari, чет эл фуқароларига махсус ҳизматлар кўрсатиш, бизнес ва ҳуқуқий маслаҳат беришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунинг учун жами 40,5 млрд. сўм маблағ жалб этилади.

Вилоятда кичик бизнес ва ҳуқуқий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, жорий йилда уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 261 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Шаҳар ва туманларда ташкил этилаётган «Тадбиркорлик кўни» анъанаси давом эттирилади. Ушбу эътиборга жавобан О'zLiDeP электоратининг асосини ташкил этувчи тадбиркорлар томонидан 55 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиш кўзда тутилаеттир.

Умуман олганда, Андижонда «Мустақкам оила йили»да 78 минг 364 та янги иш ўринлари яратилиш режалаштирилган. Аммо мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ушбу рақамни 100 мингга етказиш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Бу аҳолини зич бўлган ҳудудда давлат аҳамиятига молик ишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг яна бир исботидир.

«Аёллар қаноти»

Орзулар мақсадга
айланаяпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз муҳбиримиз

«Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳалари доирасидаги тадбирларимизда бизнес лойиҳа тузишдан тортиб, уни иқтисодий асослаб бериш, имтиёзли кредитлар ва грантлар олишда уларга бевосита амалий қўмаклашишни мақсад қилиб қўйилди.

«Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳасида эса асосан соғлом турмуш тарзи ғояси мужассамдир. Жорий йилнинг ўтган даврида «Аёллар қаноти» ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, спортга жалб этиш, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари мавзуларида 100

га яқин тадбир ўтказилди.

Шу ўринда бандлик масаласини хал этишда «Аёллар қаноти» асосан ўз фаоллари, яъни ишбилармон ва тадбиркор партия аъзоларига таянганлигини таъкидлаш лозим.

Юқори чирчилик Гўлнора Ғаниева ана шундай опа-сингилларимиздан. Тадбиркорнинг таъкидлашча, «Севинч шарқ либоси» масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қиламиз.

— 1997 йилдан буён тикувчилик билан шуғулланаман. Уй шароитида келинлар либосини тикиш бироз мушкул, Чунки оқ хариш матоларга гард юктирмай ишлов бериш керак. Шунга қарамай, алоҳида тикув цехини очиб учун ўзимда куч топа олмадим, — дейди у. — О'zLiDeP «Аёллар қаноти» ўтказган «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳа-

сида қатнашиб, тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ҳуқуқий асосларини ўргандим. Мана, иккинчи ойдан бундан тўғридан марказида жойлашган «Севинч шарқ либослари» масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қиламиз.

Ҳа, жамиятнинг энг муҳим бўлини ҳисобланган оилаларнинг қиёс ва фаровонлиги асосан уларнинг иқтисодий мустақкамлигига боғлиқдир. Эр-хотин, улар қаромондаги оила аъзоларининг ҳамжihatлиқдаги меҳнат эвазига топилаётган даромад эса қундалик эҳтиёжни қоплаш билан бирга улар ўртасидаги меҳр-оқибат, тотувлиқни ҳам таъминлайди. Ўз лойиҳаларида ана шундай ҳамжihatлиқни ил-гари сураётган «Аёллар қаноти»нинг туркум тадбир ва ўқув-семинарлари йил давомида аёллар ва ёшларимиз орасида тадбиркорликнинг янги, замонавий турларини омалашуви ҳам ҳизмат қилади, деган умиддамиз.

Банглюк

Янгича ёндашув

КЎПЛАБ ИШ ЎРИНЛАРИ
ЯРАТИЛИШINI ТАЪМИНЛАМОҚДА

Зиёдулла МҲМИНОВ,
«XXI ASR»

Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлими бошлиғи Гулчехра Камоловнинг таъкидлашича, 2011 йили вилоятда жами 86 минг 632 та янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, унинг қарийб 70 фоизи кишлоқ жойларига тўғри келди. Бундан натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ албатта.

Иш ўринларининг асосий қисми, яъни 43,5 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларида ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, жойларда маиший хизмат ва сервис соҳаларида ҳам жажон андозаларига мос даражада янги иш ўринлари яратилди. Касаначилик асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш натижа-сида 17 минг нафардан зиёд аёллар, ногиронлар иш билан таъминланди. Қувонар-лиси, жойларда аҳолининг шахсий ташаббуси билан кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган дехқон хўжаликлари ташкил этилмоқда. Натижада нафақат оила раҳбари ёки во-яг етган фарзандлар, балки меҳнатга лаёқатли барча оила аъзолари ҳам ишли бўлиш-апти. Бу билан улар оила бюджетига қўшимча даромад келтиришга қўлланади, ик-кинчидан, меҳнат дафтарча-ларида узилиш бўлмапти.

— Жорий йилда вилоят-мизда 86,5 мингта иш ўрни яратил қўзда тутилган бўлиб, бунда янги ишлаб чиқариш объектиларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни ке-гайтириш ва қувватларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Г. Ка-молова. — Хусусан, 154 та янги лойиҳа амалга оширил-иш аэазиға 8 мингтага яқин янги иш жойи яратилди. Масалан, «Газалект ойна» кўшма корхонаси, Чирчиқ шаҳридаги «Бест лэйн про-дакшн» МЧЖ, Юкориқичик туманида «Текстил Техноло-жи Групп» МЧЖ, канцеля-рия товарлари ишлаб чиқа-ришга ихтисослаштирилган «Шано Трединг» МЧЖ, Бўстонлик туманида кир ювиш кукун ишлаб чиқа-ридан «Лотос Голд», Ол-маллик шаҳрида терини қайта ишлайдиган «Донг Да» са-гар кўшма корхоналарида асо-сан маҳаллий ёшлар учун 1 минг 300 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Янгийўл тумани-да табиий шарабт ишлаб чи-карадиган «Мастер Глобал плюс» МЧЖ, Зангиота туманидаги йиллик ишлаб чиқа-риш қуввати 4 млн. дона са-кари «Витон» МЧЖ каби корхона-ларнинг ишга туширилиши хисобига эса 5 минг 500 дан ортиқ иш ўрни ташкил эти-лади. Табиийки, бунда асосий эътибор касб-хунар коллеж-лари ташкил қилишга ва муай-ян мутахассисликка эга бўла-диган ёшларга қаратилди.

— Дарвоқе, коллеж ва олий ўқув юрталарини таом-лаётган ёш мутахассисларини иш билан таъминлаш маса-ласи қандай ҳал этилмоқда? — Утган 2011 йил даво-мида вилоятимиз туман ва ша-харлари бандликка қўмақла-ишиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан ишга яроқли бўлган 31 минг 676 нафар ёш йигит-киз рўйхатга олин-иш, шулардан 28 мингдан орти-ишга қабул қилинди. Минг нафардан зиёдининг малака-си оширилган бўлса, 2 минг 300 нафарга яқин йигит-киз

КАСАНАЧИЛИК
АСОСИДА ОИЛАВИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
НАТИЖАСИДА 17
МИНГ НАФАРДАН
ЗИЁД АЁЛЛАР,
НОГИРОНЛАР ИШ
БИЛАН
ТАЪМИНЛАНДИ.
ҚУВОНАРЛИСИ,
ЖОЙЛАРДА
АҲОЛИНИНГ ШАХСИЙ
ТАШАББУСИ БИЛАН
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
МАҲСУЛОТЛАРИ
ЕТИШТИРИШГА
ИХТИСОСЛАШГАН
ДЕХҚОН
ХЎЖАЛИКЛАРИ
ТАШКИЛ
ЭТИЛМОҚДА.

ҳақ тўланадиган жамоат ишла-рига жалб этилди. Шунингдек, олий ўқув юрталари, касб-хунар коллежларини таомлаган 30 минг 237 нафар битирувчининг 90 фоизи иш билан таъминлан-ди. Бунда синовдан ўтган таж-рибадан, яъни битирувчилар-нинг ўз мутахассислиги бўйича бириктирилган корхона, ташки-лот ва муассасаларга ҳамда бо-шқа соҳаларга ишга жалб этиш усулидан кенг фойдаланилди. Ҳозир бирор корхона ёки таш-килотга борсангиз, у ерда асосан ёшлар ишлаётганини кўриб қувонасиз. Хатто уларнинг му-раккаб техника воситаларини сира қийнамай бошқаришга ха-васингиз келади. Албатта, бунда жойларда фаолият кўрса-таётган тадбиркор ҳамда фер-мерларнинг хизмати катта бўлмоқда. Айнан уларнинг ёрда-ми, ташаббуси билан касб-хунар коллежларини таомлаган ёшлар-нинг муқим иш жойларига эга бўлиб, қайта тайёрлаш марказ-ларида ўқинмоқда. Табиийки, буларнинг барчаси вилоятимиз иктисодиёти ривожига ўз акси-ни топапти.

Бўш иш ўринлари ярмарка-лари ташкил этилишини талаб даражасида, дея оласизми?

— Бўш иш ўринлари ярмар-калари юкорида айтилганидек, қатъий режа асосида қай бири-моқда. Масалан, 2011 йилда 107 маротаба ярмарка ташкил эти-либ, уларда 4 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот 35 мингдан зиёд бўш иш ўрни билан ишти-рок этди. 34 мингдан ортиқ фу-қаро ана шу иш ўринларига қизи-гари қўшма корхоналарида асо-сан маҳаллий ёшлар учун 1 минг 300 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Янгийўл тумани-да табиий шарабт ишлаб чи-карадиган «Мастер Глобал плюс» МЧЖ, Зангиота туманидаги йиллик ишлаб чиқа-риш қуввати 4 млн. дона са-кари «Витон» МЧЖ каби корхона-ларнинг ишга туширилиши хисобига эса 5 минг 500 дан ортиқ иш ўрни ташкил эти-лади. Табиийки, бунда асосий эътибор касб-хунар коллеж-лари ташкил қилишга ва муай-ян мутахассисликка эга бўла-диган ёшларга қаратилди.

— Қишлоқлардаги фермер хўжаликларига меҳнат қону-чилигига қай даражада амал қилинапти?

— Бу савол бежиз берилма-ганини сезиб турибман. Чунки айрим фермер хўжаликларига меҳнат қонучилигига оид ҳуж-жатларга риоя қилмаслик ҳолла-ри ҳам учрамоқда. Бундай кам-чиликларни бартараф этиш, собиқ ширкатларнинг ишчилар фаолиятига оид ҳужжатларини тартибга келтириш учун туман, шаҳар Давлат меҳнат ҳукук ва техник инспекторлари томони-дан бевосита жойларга чиқиб се-минарлар ўтказилапти. Масала-н, ўтган йили вилоят бўйича ана шу мавзуда 198 маротаба се-минар ташкил этилиб, уларда 3 минг 83 нафар фермер хўжали-ги раҳбарлари иштирок этдилар. Бундан ташқари, фермер хўжа-ликларига меҳнат қонучилиги, меҳнат муҳофазаси ва меҳнат му-носабатларига оид 2 минг 856 та қўлланма тарқатилди. Бундай тадбирларни ўтказишдан мак-сад янгиҳа қарашга эга бўлган ҳо-димларни тарбиялаш ва бунда, албатта, ишловчиларнинг ишти-лиш ва салоҳиятларини рўёбга чиқаришдир.

Кўппартиявийлик тамойили

(иккинчи мақола)

МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ БЎЛГАН КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИГА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН АСОС СОЛИНГАН БЎЛИБ, БУ БОРАДАГИ ТАМОЙИЛЛАРНИНГ ИСТИҚОЛНИНГ ДАСТАБКИ ДАВРЛАРИДАН ҚЎҒРИ ТАНЛАБ ОЛИНГАН МАМЛАКАТДАГИ ТИНЧЛИК ВА БАҚАРОРЛИК, ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ВА АҲОЛИ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ОРАСИДАГИ ҲАМЖИХАТЛИКНИНГ ГАРОВИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. АНА ШУ ТАМОЙИЛЛАРНИНГ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ЭКАНИ КЎПЛАБ ҲАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ТОМОНИДАН ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС

Киёмиддин НАЗАРОВ

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эри-иш остоначиси» китобида ало-ҳида таъкидланган ва 1990 йил-нинг 5 июнида баён этилган «Биз бутун турмушимизни янада де-мократиялашга интилар экан-миз, барча жамоат ташкилотла-ри ва ҳаракатларга, келгусида эса партияларга ҳам янгича ёндаш-моғимиз керак», деган фикр ўша пайтдаёқ сиёсий соҳадаги исло-хотларнинг тамал тоши қўйил-ганидан далолат беради.

1992 йилнинг 4 январидан — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташка-ри IX сессиясида Президентимиз томонидан «Биз кўппартиявий-лик тизимига ўрганишимиз ке-рак... онгимизни ана шунга мос-лаштиришимиз даркор, бу йўлда қандай тўсиқлар бўлса, олиб ташлайлик... Нима бўлса ҳам барча ишларимиз халқимизни би-рлаштиришга, бир ёқадан бош чиқаришга, ҳамкорлик, ҳамжи-хатликка олиб келиши керак», дея уруғ берилгани ҳам бу бо-радаги ислохотлар изчиллигини ифодалайди.

Ҳақиқатан ҳам, йигирма йил-лик тараққиётимиз даврида иж-тимоий-сиёсий соҳадаги ислохот ва ўзгаришлар ҳам тадрижий тарзда амалга оширилди, кўппар-тиявийликнинг ўзига хос тизи-ми яратилди.

Икки палатали парламент тизимига ўтилиши, Олий Маж-лиснинг қуйи палатаси — Қонунчилик палатасининг партиялар фракциялари аъзоси бўлган депутатлардан ташкил топиши эса кўппартиявийлик ривожигаги навбатдаги қадам бўлди.

Сиёсий партияларнинг дав-лат ҳокимиятини шаклланти-ришдаги ролини янада мустах-камлашда Президентимиз томо-нидан ишлаб чиқилган ва 2008 йилнинг 1 январидан қучга кир-ган «Давлат бошқарувини янги-лаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида» ги Конституциявий қонун муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юртбошимиз-нинг «Мамлакатимизда демократ-тик ислохотларни янада чуқур-лаштириш ва фуқаролик жамия-тини ривожлантириш Концеп-цияси» эса сиёсий соҳадаги ислохотларни янада ривожланти-риш борасидаги бутунлай янги босқични бошлаб берди.

Айни пайтда мамлакатимиз-да шаклланган сиёсий ҳаётнинг ранг-баранглиги, кўппартиявий-ликнинг ўзига хос хусусиятлари ва бу борадаги миллий манфа-атлар устуворлиги, шубҳасиз, ана шу асослардан озиқланаётир. Шу сабабдан ҳам жамиятимиз-даги кўппартиявийлик амалиёти Юрт тинчилиги, Ватан раънақи ва Халқ фаровонлиги каби эзгу қоялар ва миллий истисқол маф-кураси асосида қундан-қунга рив-ож топаётир.

Айни вақтда бу мезонлар ҳар бир партиянинг ўз ўрни ва қояси, электротиға ҳош манфа-атлари ва дастурий вазифалари-нинг ижроси учун ҳам кенг им-кониятлар бермоқда. Бу эса сиё-сий қучларни жамиятдаги тур-ли ижтимоий қатламлар манфа-атлари ифодачиси сифатидаги мақоми ва фаолият мезонларини белгилаб бермоқда.

Шу маънода бутун ҳар бир партиянинг ўзи суянадиган иж-тимоий қатлами, яъни мазкур сиёсий қучнинг электроти ман-фаатларини ҳимоя қилиши, унинг мақсад-муддояларини амалга оширишга қаратилган фаолияти партиялараро муноса-батларнинг муайян тарзда намо-ён бўлишига ҳам замин яратаяп-ти.

Агар ҳусусий мулк ва мулк-дорлар ҳуқуқларининг қафолат-лари масаласи О'зЛиДеР учун

юртимизда янги ҳаёт, янги жа-мият барпо этиш, мамлакатни дунёнинг энг ривожланган, де-мократик давлатлар қаторига кириши, халқимиз учун эса му-носиб шароитларни таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши бо-расидаги ислохот ва ўзгаришлар-ни амалга оширишнинг қулай во-ситаси саналса, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бозор иктисодиёти тамойилларини мутлақлаштиришни нотўғри ҳисоблаб, иктисодиётда бозор-нинг мутлақ ҳукмронлигига йўл қўйиб бўлмайди, бозор иктисо-диёти халқимиз танлаган йўлга мувофиқ ижтимоий йўналтирил-ган бўлиши, яъни нафақат ҳу-сусий манфаатларга, балки жа-моавий манфаатларга кўпроқ хизмат қилиши зарур, деган қояни илгари сурмоқда. Ваҳо-ланки, давлат ва жамият риво-жи, амалга оширилаётган исло-хотларнинг келажаги, пировар-дида мулк ва мулкдорлик маса-ласининг ҳал этилиши билан боғлиқ эканини жаҳон тажриба-си ҳам кўрсатиб турибди. Шу-нинг учун ҳам истисқол йилла-рида пайдо бўлган янги синф — мулкдорлар қатлами манфаа-тини ҳимоя қилаётган О'зЛиДеР бу борада мамлакатда ҳусусий бизнес ривож жараёнида дав-лат мулк ва давлат корхонала-рининг улуши қамайиб бориши, давлат асосан стратегик муҳим объектиларга эгалик қилиши, бо-зор шароитларида йирик корхо-наларнинг босқичма-босқич ҳу-сусийлаштирилиши, уларга ҳил-ма-хил асосдаги капиталнинг жалб қилиниши, турли модел-лардаги ҳусусий ва давлат мулк-ли мутаносиблиги таъминлан-иши тарафлари бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда ХДП дастурида партия Ўзбекистон Либерал-де-мократик партиясини ўзининг асосий сиёсий рақибни, деб ҳисоб-лашди, ўз сиёсий рақиблари би-лан қояни майдонда фаол қура-ишиш ва бу қураш О'зЛиДеРнинг жамиятимизнинг муҳим ижтимоий, сиёсий ва иктисодий муаммоларини ечиш-га оид ёндашувларини танқид қилиш асосида оид борилиши алоҳида қайд этилган. Дастури-нинг «Сиёсий рақобат ва қоялар қураиш» бўлимидан жой олган ушбу танқиддан кейин эса пар-тиянинг О'зЛиДеР билан сиёсий рақобатининг қояни асосларига эътибор қаратилган ва негадир рақиб, деб ҳисобланаётган партия қоялари бузиб талқин қилинган. «Давлат ва жамият қурилиши масалаларида либе-рал-демократлар ўзини ўзи бо-шқарадиган қучли фуқаролик жамиятини қучли давлат ҳоки-миятининг муқобили билдила-ри» деган фикр ҳам бунга яққол кўрсатиб турибди.

Ваҳолапки, О'зЛиДеРнинг бирон бир расмий ҳужжатлари-да «қучли фуқаролик жамияти қучли давлат ҳокимиятининг муқобили» ибораси ишлатилма-ган, балки партия дастурида «Партия «Қучли давлатдан — қучли жамият сари» тамойили-ни босқичма-босқич амалга оши-ришга, фуқаролик жамиятининг турли хил институтларини шак-ллантириш ва тараққий эттириш-га, давлат ҳокимияти ва фуқа-ролик жамияти ўртасидаги ўзаро алоқалар тизимини мустаҳкам-лаш ҳамда ривожлантиришга қатъий ҳаракат қўлади», дея бел-гиланган.

Аслида ҳуқуқий демократик давлат ва қучли фуқаролик жа-мияти бир-бирини такозо этади-ган, бирининг мавжудлиги ик-кинчисининг зарурий тарзда шаклланиши лозимлигини ани-глатадиган тушунчалардир. Шу маънода, қучли фуқаролик жа-миятининг шаклланиши унинг билан узвий боғлиқ бўлган дав-латга нисбатан муқобилликни аниглатмайди, балки давлатга ҳо-сайим функцияларнинг фуқаро-лик жамияти институтлари то-монидан бажарилаётгани, фуқа-роларнинг сиёсий оғи ошганли-ги, ҳусусан, сиёсий қучларнинг



ГАРЧИ ЎЗХДПНИНГ
САЙЛОВЛАРДАН КЕЙИНГИ
ФАОЛИЯТИДА КЕСКИН ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ
БЕРГАНИ, ЯЪНИ ТУРЛИ ТАДБИРЛАР
ЎТКАЗИБ, УЛАРДА АСОСАН
ТАДБИРКОРЛИККА ЯНГИЧА «НАЗАР» БИЛАН
ҚАРАЁТГАНИ ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНАЁТГАН
БЎЛСА-ДА, ХАЛИ-ҲАНУЗ ПАРТИЯ ЎЗИНИНГ
УМУМИЙ ФАОЛИЯТИДА МУЛК ВА
МУЛҚДОРЛИК МАСАЛАСИГА ЭСКИЧА
ЁНДАШУВЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛМОҚДА.

ўзига хос ижтимоий ва сиёсий ва-зифаларини етарлича урдалаши лозимлигини ҳам аниглатади.

О'зЛиДеР бозор иктисодиё-ти асосан ҳусусий манфаатлар эмас, балки жамият манфаатла-рига кўпроқ хизмат қилиши ло-зимлигини яқин аниглайди ва шу билан бирга ҳусусий мулк — дахлсиздир, у мулкнинг бошқа шакллари билан бир қаторда қонун ҳимоясида бўлиши керак, деган тамойилни ҳимоя қилади. ХДПдан фарқли равишда О'зЛиДеР ҳусусий мулкдорлар сафининг кенгайиши, тадбиркор-лик, ишбилармонлик ва кичик бизнесга янада кенг йўл очили-ши ушбу соҳа ривожининг асо-сий шартларидан биридир, деган тамойилга таянади.

Бундан фарқли тарзда, ХДП О'зЛиДеРга нисбатан ўз позици-ясини ифода қилган экан, давлат-нинг иктисодиётини тартибга со-лиш ва мувофиқлаштиришдаги ролини ошириш, айниқса, иктисо-дий ривожланишнинг узоққа мўлжалланган мақсадларини амалга оширишда бу омилни янада қучайтириш тарафдори-дир. Ушбу партия бу борада О'зЛиДеР позицияси маъқул эмас ва ўз навбатида ҳусусий мулкчилик натижаларини ижти-моий фаровонлик, давлат ва иж-тимоий эҳтиёжлар учун ишлати-ш асосларини қўзда тутувчи меъёруларни қонунда белгилаб қўйиш зарур, деб ҳисоблайди. ХДП ёндашувига қўра, ҳусусий мулкчилик тўғрисида сўз юриш-ганда, аҳолининг ижтимоий но-чор қатламлари ҳуқуқини усту-вор тамойил сифатида назарда тутиш лозим. Гарчи ЎЗХДПнинг сайловлардан кейинги фаоли-ятида кескин ўзгаришлар юз бер-гани, яъни турли тадбирлар ўтказиб, уларда асосан тадбир-корликка янгича «назар» билан қараётгани яққол кўзга ташлана-ётган бўлса-да, хали-ҳануз партия ўзининг умумий фаоли-ятида мулк ва мулкдорлик маса-ласига эскича ёндашувларни сақ-лаб қолмоқда.

Бу эса партиянинг ҳалигача мулк масаласидаги қарашлари ўзгармай қолаётганидан далолат-дир.

Аслини олганда О'зЛиДеР айнан шу соҳада мулкдорлар-нинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларига зарар

қилтирадиган, фақат фойда ва бойлик орттиришга қаратилган интилишлари устувор бўлиши-га йўл қўйиб бўлмайди, балки мулкдорнинг жамият ва давлат олдидаги мажбуриятларини бажа-риши, ижтимоий масъулиятини ҳис қилишига эришиш партия бўлган эътибор бериши лозим бўлган энг муҳим масалалардан бири, деб ҳисоблайди.

“Адолат” социал-демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партиялари ҳам ушбу йўналишдаги позиция-рини изчил ҳимоя қилмоқдалар. Ҳусусан, «Адолат» социал-де-мократик партияси дастурига қўра, унинг фаолияти «Ижтимо-ий йўналтирилган бозор иктисо-диёти негизига ҳуқуқий фуқаро-лик жамиятини қуриш борасида мамлакатимизда олиб борилаёт-ган кенг қўламли ислохотлар жараёнига аҳолининг барча қат-ламларини жалб этиш, ҳокимия-тининг вакиллик органлари ор-қали давлат бошқарувида ишти-рок этиш, фуқароларнинг сиёсий оғи ва маданиятини юксалти-риш, мамлакат ҳаётининг муҳим масалалари юзасидан ўз тараф-дорларининг фикр ва мулоҳаза-ларини юзага чиқариш ва бу ма-салалар бўйича партия позици-ясини кенг жамоатчилик ва бар-чида поғонадаги давлат ҳокимият органларига етказишга қаратил-ган». Партия барча мулк шакл-лари уйғунлигида ривожланиши лозим, аҳолининг давлат қонун-лашлари, ҳорижий сармоя қўйи-лиши мумкин, бирок акциялар-нинг назорат пакетни давлат их-тиёрида қолиши зарур, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, «Миллий тикла-ниш» демократик партияси ўз дастурида асосий мақсад — ва-зифасини ифода қилган экан, бунга миллий аъналарни ва қадри-ятларни сақлашдан иборат, деб билди. «Партия ҳуқуқий демок-ратик давлат ва адолатли фуқа-ролик жамиятини барпо этиш, ўзбекистоннинг глобаллашиб бораётган жаҳонда муносиб ўрни эгалашиши таъминлашни ёқлайди, миллий аъналар ва қадриятларимизни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдиға мақсад қилиб қўяди».

Ушбу партия давлат мулк — бу миллий қадриятлар ва мил-лий манфаатларнинг моддий асо-си бўлиб, мамлакат иктисодий мустақиллиги ҳамда иктисодий ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш омилдир, у мамлакат учун му-ҳим бўлган соҳалардаги устувор вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган, деган қараш та-рафдоридир.

Таъкидлаш жоизки, бутунги кўппартиявийлик шароити ҳар бир партиянинг ўзи суянадиган ижтимоий қатлами, яъни мазкур сиёсий қучнинг электроти ман-фаатларини ҳимоя қилиши, унинг мақсад-муддояларини амалга оширишга қаратилган фаолияти партиялараро муноса-батларнинг муайян тарзда намо-ён бўлишига замин яратмоқда.

Шу билан бирга хали-ҳануз айрим партиялар дастурида янада аниқлаштирилиши лозим бўлган иборалар ҳам учраётга-нини таъкидлаш лозим. Ушбу дастурлардан бирида сиёсий қуч-нинг қимқил манфаатини ҳимоя қилиши таъкидланади ва ана шундан кейин негадир «Бундай шахслар — партиянинг асосий ижтимоий қатлами» деган ва партология методология нуктаи назаридан тушуниш қийин бўлган фикр учрайди. Аслида дунё партиялари тарихида улар-нинг қатламлардан иборатлиги тўғрисида бирон бир мисол йўқ. Ҳар қандай партия эса сиёсий ташкилот ҳамда фуқаролик ин-ститутини сифатида ўз тузилиши-га эга ва бир-бири билан узвий боғлиқ бўғинлардан ташкил топ-ган бўлиши исбот талаб этмай-диган аксиомадир.

Мамлакатимизда демократик жараёнлар ривожланиб бораёт-ган, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти тобора мустаҳкам қарор топаётган, сиёсий партия-лар ўз қояси, дастури, позици-яси ҳамда электроти манфаат-ларини ҳимоя қилишининг янги имкониятлари, самарали усул ва воситаларини излаётган ҳозир-ги шароитда Президентимиз-нинг: «Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий, иктисодий, маънавий ҳаётида қўл гапиролмоқда. Айниқса, бу танқид ўрин-лидир. Сиёсий партиялар, жамо-ат ташкилотлари ҳокимият ти-зимларида, аввало, ҳокимият-нинг сайлаб олинаётган органла-ридан ўрин олиш учун қурашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳара-кат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижо-бий ўзгаришларга бақарали таъ-сир этсин», деган фикрларини эслаш ўринлидир.

Бу эса жамиятимиздаги кўппартиявийлик амалиётининг бевосита таркибий қисми бўлган О'зЛиДеР олдида ҳам низоҳатда муҳим вазифалар турганини, бу эса ҳар биримизнинг зиммани-га улкан масъулият юклатилга-нини аниглатади.

Хатолардан ким қандай хулоса чиқаради?

2012 йили БУХОРО ВИЛОЯТИДА 31,2 МЛН. ДОЛЛАРЛИК 57 ТА ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўз мухбиримиз

Соҳа мутахассисларининг фикрича, агар ана шу лойиҳалар амалга ошса, йилга 74,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 22,5 млн. долларлик тайёр маҳсулотни экспорт қилиш имконияти яратилади. Энг муҳими, ҳудудда 1090 та янги иш ўрни яратилади. Аммо...

Ана шундай режаларни таҳлил этар эканмиз, вилоятда хорижий инвестиция киритиш ишлари рисоладагидек бораётган, деган хулосага келиш мумкин. Аммо таҳлилчиларнинг кейинги йилларда вилоятда мазкур йўналишдаги ишлар асосан қоғозларда амалга оширилганлиги ҳақидаги фикрларини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида ҳам вилоятнинг қатор тармоқлар бўйича оқсатгани, аксарият соҳаларда фақат бандларвоз ҳисоботлар билан чеклангани таъкидланган эди.

2011 йил якуни ва 2012 йилнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳмаси мажлисида ҳам, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш учун, биринчи навбатда, иқтисодийни изчил ислох этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тар-

моқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнини тезлаштириш лозимлигига эътибор қаратилган эди. Бу ишлар, ўз навбатида, фаол инвестиция сисъатини олиб бориш, хорижий сармоядорлар иштирокида янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга оширилади, албатта. Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи вакиллари-нинг фикрича, Бухорода ана шундай ўта муҳим ишга айрим шахар ва туман ҳокимлари ҳалигача етарли даражада эътибор қаратмаптилар.

Масалан, ўтган йили Гиждувон ҳамда Қоровулбозор туманларида маҳаллий инвесторлар ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилган бўлса, хорижий сармоялар иштирокида биронта ҳам корхона ишга туширилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Жондор, Пешку, Когон, Ромитан ва Олот туманларида эса инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари билан тегишли идоралар, маҳаллий ҳокимликлар мутасаддиларининг урчушлари, юзмага мулоқотлари ўтказилмаётганлигининг ўзидек ҳудудларга хориж маблағларини киритиш масаласига эътиборсизлик билан қаралаётганини кўрсатади.

— Вазирлар Маҳмасининг 2011 йилда рес-

публикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуни ва 2012 йилда иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида О'ртбошимиз кўюнақлик билан айтганларидек, у ёки бу

раҳбарлар ва етук мутахассисларгина ана шундай долзарб вазифаларни оқилона ҳал эта оладилар.

Яна бир масала: ўз-ўзидан аёнки, хорижий инвесторнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун, энг аввало, ҳудудларнинг фратузилмаси ривожлан-

муаммолар биринчи галда шахар ва туман ҳокимларининг изчил фаолияти, ташаббускорлиги ва фидойилиги билангина ҳал этилади.

Аммо шунинг ҳам унутмаслик кераки, жойларда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар-

ЎТГАН ЙИЛИ ГИЖДУВОН ҲАМДА ҚОРОВУЛБОЗОР ТУМАНЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ ИНВЕТОРЛАР ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИХАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛГАН БЎЛСА-ДА, ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДА БИРОНТА ҲАМ КОРХОНА ИШГА ТУШИРИЛМАДИ.

ишлаб чиқариш корхонаси ишини йўлга қўйиш мақсадида юртимизга яхши ва эзгу ният билан қадам ранжида қилган хорижий инвесторлар билан юзмага мулоқотда бўлишни баъзи бир маҳаллий раҳбарлар ўзларига эп кўрмаптилар. — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, О'зЛиДеР аъзоси Камол Давронов. — Бу эса ўз навбатида шахар ва туман ҳокимлари қабулига кира олмаган, уларнинг қизиктирган муаммо ва саволларга жавоб ололмаган хорижий сармоядорлар ҳафсаласини пир қилиши табиийдир.

Хорижий инвестор билан тенгма-тенг мулоқотга кириша олиш учун шахар ёки туман ҳокимидан ўзи юксак салоҳият, чуқур билим ва мушоҳада, теран фикр ва ақл-идрок талаб этилади. Тезкор давр билан қадам-бақадам ва ҳамнафас фаолият кўрсата оладиган

ган бўлиши зарур. Фойда олишга қўзи етмаган сармоядор беҳудага пул сарфламайди, албатта. Шундай экан, ҳудудларда кулай бизнес муҳити яратиш, электр энергияси, табиий газ билан боғлиқ айрим муаммоларни бартараф этиш маҳаллий раҳбарларнинг доимий эътиборида бўлиши лозим. Таассуфки, ана шу оддий ҳақиқатни баъзи бир ижроия ҳокимият мутасаддилари ҳанузгача англаб етмаптилар. Бошқача айтганда, улар халқ турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ ўринли талабларни бажаришга "панжа орасидан" қарамоқдалар.

О'зЛиДеР Бухоро тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ўлмас Раҳматовнинг фикрича, вилоят тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари кўпайтирилишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бундай

нинг бугунги босқичида ана шундай муҳим лойиҳалар, ҳудудий дастурлар ижросини назорат қилишда сиёсий партиялар, улардан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари зиммасида ҳам алоҳида масъулият бор.

Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи эса ўз навбатида ижроия ҳокимият вакиллари-нинг бу борадаги фаолиятини, белгиланган режа ва дастурлар ижросини туман, шахар ва вилоят миқёсида назорат қилишни изчил йўлга қўйиш керак. Бинобарин, партия нафақат ўз электорати, балки бутун халқимиз учун муносиб турмуш ва меҳнат шaroити яратиш берилиши тарафдоридир. О'зЛиДеР Дастури ва Сайловолди платформасининг бугун мазмун-моҳияти эса айнан ана шундай истиқболли вазифалар ижросига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

«Ёшлар қаноти»

Таклифлар қогозда қолиб кетмаслиги керак

— ДЕЙДИ О'ЗЛИДЕР ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КЕНГАШИ «ЁШЛАР ҚАНОТИ» РАҲБАРИ МУҲАББАТ АХНАЗАРОВА

Шухрат РАХИМОВ,
«XXI ASR»

Қорақалпоғистонда 10156 нафар О'зЛиДеР аъзоси бўлиб, уларнинг 5861 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда. Бу — ҳудуддаги сафдошларимизнинг ярмидан зиёди либерал-демократик ғояларни қўллаб-қувватловчи йигит-қизлардан иборат эканини кўрсатмоқда.

— 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган ёшларни тадбиркорликка жалб этишда катта имкониятлар яратди, — дейди М.Ахназарова. — Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури-нинг ижроси юзасидан йил давомида 95 та тадбир ўтказдик. Аҳамиятлиси, уларнинг 89 таси чекка қишлоқларда ташкил этилди ва уларда 4350 нафар йигит-қиз иштирок этиб, ўз сиёсий-иқтисодий билимларини оширишга муваффақ бўлди. Айниқса, олий ўқув юрлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилган ўқув-семинарлар ўз самарасини берди. Уларда ёшларимизни тадбиркорликка жалб этиш, яратилган имтиёзлар, жумладан, тижорат банклари томони-

дан ажратилаётган имтиёз-ли кредитлар ва улардан фойдаланиш ҳусусида атофлича маълумотлар берилди. «Диплом билан — бизнесга» ҳамда «Ёш тадбиркорларнинг ёғи амалиёт мактаби» каби лойиҳалар шулар жумласидандир.

Ўтган йили республикада касб-хунар коллежларини битирган 6558 нафар йигит-қизнинг муқим иш жойи билан таъминланиши, 19 нафарига жами 48 млн. сўмдан зиёд миқдорда кредит ажратилгани ана шу лойиҳаларнинг амалий натижасидир.

— «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси туфайли кредит олиш йўллари, хужжатларини расмийлаштириш қонун-қондалари билан яқиндан танишдим. Мукаммал бизнес-лойиҳа ишлаб чиқишни ўргандим. Келгусида баҳолаш компаниясини очиб қўйишдан, — дейди лойиҳа катнашчиси, Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети бизнес ва бошқарув факультетининг 3-босқич талабаси Қозоқбой Уринбоев.

Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқармаси раиси М.Мамутовнинг айтишича, ёшларни хусусий бизнесга жалб этиш учун 2010 йилда 105 млрд. сўм кредит ажратилган бўлса, 2011 йилда бу рақам 137 млрд. сўмни ташкил этди.



Бунда озиқ-овқат, чорвачилик ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш, балкичилик ва асарларчилик, паррандачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Хозир Қорақалпоғистонда 21314 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 9919 таси фермерлик, 1435 таси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланаётган. Ёш ишбилармонлар сони эса 10 минг нафарга яқинлашиб қолди. Касб-хунар коллежларида эса ёшларга аниқ мутахассисликлар бўйича таълим берилиши-

дан ташқари тизувчилик, тўқувчилик, пастандалик, гулчилик, миллий хунармандлик, фермерлик сингари ўнлаб йўналишдаги курслар ва тўғарақлар фаолият юритмоқда.

— Лекин мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаётганимизни ҳам тан олоғимиз лозим, — дейди «Ёшлар қаноти» етакчиси. — Хусусан, чекка ҳудудларда олиб борилаётган ишлардан қўнғилмиз тўла-япти. Айниқса, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигимиз бугунги кун талаблари даражасида эмас. Шу боис 2012 йил режаси-

да йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар инobatга олиниб, реал тадбирлар белгилаб олинди. Жумладан, Мўйноқ ҳамда Эллиққалъа кенгаши раисларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари фаолияти қоникарсиз, деб топилиб, улар ўз вазифаларидан четлаштирилдилар. Мақсад — расмийчилик ва ҳисобот учун қороз тўдирини эмас, балки амалий ишлар орқали тенгдошларимизни либерал қояларга жалб этишдир. Баландрарвоз гаплардан воз кечиб, реал ишлар билан шуғулланасангина жамиятда ўз ўрнини ва нуфузини эга бўламиз.

Кичик бизнес

ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ УЛУШИ ОРТМОҚДА

2011 йилда Андижон вилоятида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш ва модернизациялаш ҳисобига 5112,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, хусусий секторнинг улуши 91 фоизни ташкил этди.

Жорий йилда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 600 млрд. сўмлик янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўла тутилмоқда. Бунда хусусий тадбиркорликнинг улуши 92 фоизни ташкил этишни таъкидланмоқда.

Агар 2011 йилда Андижон шахрида 907 млрд. 832 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 198 млрд. 735 млн. сўмлик хусусий сектор ҳиссасига тўғри келди.

Айни кунда шахар ҳудудида 6654 та кичик корхона ва микрофирма фаолият кўрсатаётган.

Таъкидчилар бу кўрсаткичнинг 2010 йилга нисбатан 525 тага кўпайганини таъкидламоқдалар.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ таърилади.

2015 ЙИЛГАЧА 5 МЛН. ДОНАНИ ЎРНАТИЛАДИ

«Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси Б.Тешабоев аҳолининг газ ва электр қисбатан уяли телефонга қўроқ пул тўлаётганини аниқлади ва ... «Ўзбекэнерго» ДАК жорий йилнинг 1 мартдан Тошкент шахри, Наманган ва Андижон вилоятларида жорий этиладиган «Электр ҳисоб» номида дастурий таъминот тақдиротини ўтказди.

Таъкидлаш жоизки, йил охиригача республикамизнинг бошқа минтақаларини ҳам қамраб олишни кутилаётган янги тизим истеъмолчига izbekeuro.uz сайти ёки уяли телефон орқали фойдаланилган электр энергияси, ҳисобга тушган тўлов, ҳисоб-китоб тарихи, ҳисоблагичдаги кўрсаткичлар бўйича маълумотларини олиш, бундан ташқари, носозлик юзга келганида сайтдаги мурожаат бўлими ёрдамида электр устасини чақириб, нотариал идораларга тақдим этилиши лозим бўлган (ҳисоб рақамининг ҳолати ҳақидаги) маълумотномани олиш, корхона ва электр етказиб бериувчи ўртасида тузилган шартнома шартларини ўзгартириш имконини беради.

Тадбирда, шунингдек, 2015 йилгача юртимиздаги барча хонадонлар, яъни тахминан 5 миллион истеъмолчини электр ҳисоблагичлар билан тўлиқ таъминлаш режалаштирилганлиги маълум қилинди.

— Сирдарё вилоятида ўтказилган мониторинг ишлари шуни кўрсатдики, аҳоли уяли телефон хизматига истеъмол қилинган газ ва электр учун амалга оширилган тўловларини қўнғил ҳисоблагичдан ҳам қўроқ пул тўлар экан, — деди «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси Б.Тешабоев. — Шунинг учун ҳам истеъмолчининг ишончини қозониш мақсадида янги дастурий таъминотни ишга тушириш ҳамда электр ҳисоблагичлар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Шухрат ХУҲАЕВ таърилади.

Дастур Шаҳрисабздан Нишонгача бўлган ҳудудни қамраб олади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Маҳаллий кенгаш депутатларининг фикрича, Дастур асосида Қарши шахри, Шаҳрисабз, Китоб, Қамаш ва Нишон туманларида 401 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 1251 та янги иш ўрни яратиш қўла тутилади. Бунинг учун иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилинган лойиҳаларга йирик саноат корхоналарининг айланма маблағлари, хорижий инвестициялар, тижорат банклари кредитлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар маблағлари жалб этилади.

Хусусан, Қарши шахрида «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси билан миллий либослар тикиш корхонаси, «Туронбанк» туман филиали маблағи эвазига «Чинни буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси», Китоб туманида мева-сабзавотни қуриштириш ва қадоклаш, «Асакабанк» вилоят филиали маблағи эвазига мармар тошдан декоратив буюмлар, Қамаш туманида «GISSARNEFTGAZ» Ўзбек-Швейцария-Британия қўшма корхонаси томонидан балиқчилик хўжалиги ва зангламайдиган металл том қопламаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бундан ташқари, АТ «Агробанк» вилоят бошқармаси ҳомийлигида тиш пастаси ва гигиена воситалари, Нишон туманида Талимаржон иссиқлик электр станцияси унитар корхонаси томонидан жунини қайта ишлаш, ўтга чидамий декоратив ёпиш ишлаб чиқариш, ТИФ «Миллийбанк» вилоят бошқармаси томонидан гилам тўқиш корхоналари ишга туширилади. Шу билан бирга дастурда юқоридаги туманларда 130 та бодорчилик хўжалиги, 90 та паррандачилик, 11 та оилавий балиқчилик ва 150 та дехон хўжалигини ташкил этиш режалаштирилган.

Дастури амалга ошириш мақсадида О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг йўналишлари ўтказилиб, таклиф этилган лойиҳаларни амалга ошириш учун аниқ жой ва тадбиркорлик субъектлари белгилаб олинди. Туман ҳокимликларига қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонлари ажратиш юзасидан таклифлар киритилди. Катта маблағ талаб этмайдиган манший-сервис корхоналарини ташкил этиш истагида бўлган касб-хунар коллежлари битирувчиларини ҳам бу ишга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларга ўз бизнес-режаларини йўлга қўйишда О'зЛиДеР тузилмалари ва депутатлик гуруҳлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилади. Айни пайтда О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари йил охирига қадар мазкур дастури вилоятнинг барча туманларида амалга ошириш юзасидан амалий ишларни бошлаб юбордилар.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда ижтимоий-сиёсий барқарорлик қафолати ва таъмин, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган асосий қучга айланиб, ушбу тармоқни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлаш соҳасидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Шунинг учун бугун Қашқадарёда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг истеъмол талабини қондириш, янги иш ўринлари яратиш, хизмат кўрсатиш тармоқини кенгайтиришга, хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорлик ва қасаначиликнинг турли шакллари ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хукук

ҚОНУННИ БИЛМАЙМАН. ДЕБ БАҲОНА ҚИЛМАНГ

Айрим фуқароларимиз чет эллардаги яқинларига таркибда психотроп ва наркотик моддалари бўлган дори воситаларини почта орқали юборишга уриномқдалар. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги «Ўғилхандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни республикамиз ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарафда ўтказиш тўғрисида»ги 293-сонли қарори билан бўлган дориларни олиб кириш тақиқланган. Шунга қарамай, айрим фуқаролар ушбу ноқонуний фаолиятини амалга оширишда давом эттаптилар.

Масалан, ўтган йили Тошкент шахар божхона ҳодимлари томонидан психотроп ва наркотик воситаларини почта жўнатмалари орқали юборилишига доир 10 та, жорий йилнинг ўтган даврида эса 7 та қонунбузариш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, «Бош почта» божхона пости ҳодимлари томонидан пойтахтимизда истиқомат қилаётган А.Г. номига келган почта жўнатмаси қўздан кечирилганда, ундаги DVD аппарати қутиси ичига 4 турдаги 117 дона турли қўриқилган дори воситалари яширилгани маълум бўлди. Сирғаликлик фуқаро Х.Л. та келган почта жўнатмасидан 150 дона «Нормопрес» таблеткалари чиқди. Қўқонлик Р.У. номига келган 200 дона «Қолшар» препаратлари ҳам ўз вақтида тўхтатиб қолинди. Ушбу дори таркибиде наркотик восита «Қоден фосфат» моддаси борлиги аниқланди.

Мақкур ҳолатларнинг таҳлилига эътибор қаратилса, уларнинг 80 фоизга асосан бемор қариялар номига юборилган. Демак, қонунбузарлик ҳолатлари фуқароларимизнинг божхона қонун-қондаларини яхши билимасликлари натижасида содир этилмоқда. Ўзини қатъий қонда мавжуд: қонунини билмаслик жавобгарлиқдан овоз этмайди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ таърилади.

Бошланғич партия ташкилотларида

Пайшанба | 2012 йил 15 март, 11 (435)-сон

WWW.21ASR.UZ
e-mail: axborot@21asr.uz

Нуқтаи назар

СИЗ Ўзингиз ЕТАКЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН ХУДУДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚОНИҚАРЛИ БАҲОЛАЙ ОЛАСИЗМИ? БИТЛАР ИШИНИ БУГУНГИ КҮН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЛОЗИМ, ДЕБ ХИСОБЛАЙСИЗ?



Равшан ФОЗИЛОВ, О'зЛиДеР Миробод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати:

— Тўлкинлари қирғокларига сиймайди деганлар ҳам бир қарашда кўрмисиз туюлган жилға ва ирмоқлардан бошланади. Шу маънода биз кучли партияга, пировардида кучли парламента эга бўлишни истасак, куйи бўғинларнинг кучли бўлишини таъминлашимиз кераклигини англаб етамиз. Шу сабабдан, О'зЛиДеР Миробод туман кенгаши ҳудуддаги бошланғич ташкилотлардаги сиёсий вазият ва ривожланиш тенденцияларидан доим огоҳ бўлишга, уларнинг фаолликлари сусаймаслиги учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, 2011 йилнинг 31 январь-20 март кунларида 107 та БИТда ўтказилган ҳисобот-саноат йиғини бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун долзарб вазифалар белгилаб олинди. БИТларнинг 6 тасида янги раис ва раис ўринбосарлари сайланди. Қайд этиш керак: бу даврда туман кенгаши томонидан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот самараси ўларок, 93 нафар хайрихоҳ партиямиз сафига қабул қилинди. Умуман олганда, партияга қабул қилинган доимий ўсиш кўрсаткичлари. Туман бўйича 3390 нафар партия аъзоси бўлиб, қорхона ва ташкилотларда аъзоларнинг 13 фоизи, темирйўл, алоқа ва электр тармоқлари соҳасида 37, банк-молия муассасаларида 7, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида 11,5, наприёт ва газеталарда 6,5, маҳаллаларда 5 фоизи меҳнат қилади. Қайд этиш керакки, аъзоларнинг 40 фоизи, яъни 1321 нафари хотин-қизлардир. Аммо эришилган натижаларга қарамай, айрим БИТлар фаолиятини кўрсатиш қийинлигини ҳам тан олишимиз керак. Чунки баъзи ташкилот етакчиларининг фаолиятида ҳақиқатан ҳам сусткашликлар сезилмоқда. Тўғри, БИТлар фаолиятини айтиш пайтда кескин қониқарли ёки қониқарсиз, дейиш ҳам қийин. Чунки партия иши доимо изланишни талаб этади. Бу жараён бир сонияга тўхтаса, жамият ривожидан орқада қолиб кетиш мумкин. Бундай камчиликларни бартараф этиш шу маънода ҳам туман партия ташкилотининг доимий вазифасига айланиши керак, албатта.

Электорат

Насибага эргашаётганлар ишончи оқланаяпти

ҚОРАҚҮЛ ТУМАНИДАГИ 53-ҚОЗОН САЙЛОВ ОКРУГИ ХУДУДИДА 31292 НАФАР ФУҚАРО БЎЛИБ, УЛАРНИНГ 16414 НАФАРИ САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАДИР

Асхор ИСТАМОВ, «XXI ASR»

2009 йилнинг декабрь ойида маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловларда қоракўллик 38 ёшли Насиба Йўлдошевага юксак ишонч билдирилиб, уни халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига сайлаган эди. Орадан кўп ўтмай, бу ишонч оқланди. О'зЛиДеРдан халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига сайланган Насиба Йўлдошева айни кунда "Мўйначи — хунарманд" фермер хўжалиги таркибидаги терини қайта ишлаш пехида иш бошқарувчи вазифасида хизмат қилиш билан бирга туман марказидаги 15-умумтаълим мактаби ўқувчи-ёшларига биология фанидан ҳам сабоқ бермоқда. Зотан, ушбу фанга бўлган меҳр ва қизиқиш у ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ уйғонган бўлса, ажабмас. Бухоро давлат педагогика институтининг (ҳозирги Бухоро давлат университети) биология факультетида олган билими бугунги амалий фаолиятида жуда қўл келмоқда.

1989 йилда "Чебар" кичик қорхонасининг ташкил этилиши кўпгина йигит-қизлар, жумладан, Насиба Йўлдошева учун ҳам айни муддао бўлди. Меҳнат фаолиятини олди тикувчиликдан бошлаган қиз ўз иқтисодини ва ташкилотчилик қобилиятини намойиш этиб, "Мўйначи-Коракўл" ишлаб чиқариш фирмаси дивайнери даражасига кўтарилди. Бу борада унга Москвада ўтказилган анъанавий мўйна маҳсулотлари кўргазмасида мунтазам иштирок этиши жуда қўл келганлиги шубҳасиз. Ўзбекистонлик ёш дизайнер халқаро тадбирда Германиядан таширф буюрган йирик мутахассис Михаил Хоссе билан яқиндан танишди. Орадан кўп ўтмай, М.Хоссе жаноблари Қоракўлга келди ва ҳар икки томон учун фойдали бўлган ўқув машғулотларини бошлаб юборди. Ўзаро мулоқотлар самараси ўларок, "Мўйначи-Коракўл" фирмаси билан хориждек, москвалик таниқли дизайнер Светлана Юдаева билан шартнома им-



золанади. Манфаатли ҳамкорлик бугунги кунда ҳам ҳар икки томон учун фойда келтирмоқда. — Тўғри, жаҳон молиявий инқирози, шароитида қўлаб давлатларда, жумладан, Россияда ҳам қоракўл маҳсулотларига бўлган талаб пасайди, — дейди Насиба Йўлдошева. — Турган гапки, бу жараён фаолиятимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Натijaда иш ўринларини бир оз қисқартиришга тўғри келди. Ҳозир пехимизда 35 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Шўқри, қоракўл маҳсулотлари бозорида вазият яхши томонга ўзгармоқда. Шу бонс тикувчиларимизнинг қўли-қўлига тегайди. Бу ерда қатъий меҳнат интизоми йўлга қўйилган. Кишлоқ ёшлари, касб-хунар коллежлари биттирувчилари ўзаро танлов асосида ишга қабул қилинади.

Зеро, фаоллик ва меҳнатсеварлик ютуқлар гаровидир. "Мўйначи-хунарманд" фермер хўжалиги таркибидаги терини қайта ишлаш пехи О'зЛиДеР бошланғич ташкилоти атрофида уюшган Малоҳат Файзуллаева, Замира Раҳмонова, Райхон Ортикова, Моҳида Нурматова, Мунира Раҳматова, Зебо Қурбонова каби фаоллар ушбу ҳаётини ҳақиқатини дилдан ҳис этиб, эл-юрт фаровонлиги йўлида тиним билмайишлар. Қозон ҚФЙ, Чекирчи МФЙ ҳудудлари аҳолиси турли касб эгалари билан суҳбатлашиб қолсангиз, улар ички ва ташқи сиёсат, жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар, айниқса, О'зЛиДеРнинг дастурий ғоя

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ: — жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир кўрсатиш ҳамда партия фаолияти ҳақида ахборотни жамоатчиликка етказиш ишларини ташкиллаштириш, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан бевоқифа ҳамкорлик қилади; О'зЛиДеР устивидан

ва мақсадлари ҳақида аниқ маълумотга эга эканликларига амин бўласиз. Партия ғояларини кенг халқ оmmasига етказиш учун жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Умуман, куйи бўғин атрофида уюшган маслаҳатлар электорат билан яқин ва ҳамнафасдирлар. Айни кунларда партия фаоллари Президентимизнинг "2012 йил — Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" номли маърузаси ҳамда "Ўзбекистон мустақиллигига эришиш оstonасида" асарининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтиришда фаоллик кўрсатаяптилар. Шунингдек, БИТ иш режасида "Мустақам оила йили" Давлат дастури ижроси бўйича ҳам бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Биз сўз билан айтганда, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Насиба Йўлдошева ўз бурчига тўла масъулият билан ёндашиб, сайловчилар ишончини оқлаш учун куч-ғайратини аямаяпти. Жумладан, Эскикальта, Хўжалар, Тинчлик, Дўстлик, Қозон сайлов округларидан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун янги имкониятлар излаяпти. Сайлов округи ҳудудидagi "Пойкентекс" қўшма қорхонаси, "Севинч" ва "Шодлик" хусусий қорхоналари, "Қоракўлстройинжиниринг" ҳамда "Қоракўл" маъмулияти чекланган жамиятлари, "Қоракўлдон" ХЖ, "Бархат Матлуба

Хурсанд" қорхонаси, туман тиббиёт бирлашмаси, "Мадад соҳибаси", "Оилани ижтимоий химоя қилиш маркази" сингари 15 дан ортиқ тузилмалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Кейинги пайтда Н.Йўлдошева саяб-ҳаракати билан туман микёсида 30 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган, депутатлик ваколатига кирувчи бошқа йўналишлар бўйича ҳам муайян натижаларга эришилганлиги эътиборга моликдир. — Шу кунларда сайлов округи ҳудудидagi маҳаллаларда бўлиб, ичимлик сув, табиий газ, электр энергияси таъминотидаги узлишларни бартараф этиш чораларини кўраямиз, — дейди у. — Туманимизда маиший хизмат, саноат ва қурилиш касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Биттирувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Зеро, бу давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Таъкидлаш жоизки, БИТ атрофида уюшган 10 нафардан иборат партия аъзолари ҳам бу борада алоҳида фаоллик кўрсатишапти. Амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ўларок, шахсий томоҳқа хўжаликларида сабзавот-полиз экинлари экин ва бу маҳсулотларини ишлаб чиқаришни 30 фойзага кўпайтиришга эришилди. Натijaда бозорларда нарх-наво пасайиб, аҳоли дастурхонини тўқинлашиб бормоқда. Ҳаракатда — баракат, деганлари шу бўлса керак.

Масъулият



Бозор талаби — ривожланиш омили

— ДЕЙДИ КАРМАНАЛИК ТАДБИРКОР МАҲФУЗА ҚАЮМОВА

Мансур АСЛОНОВ, «XXI ASR»

О'зЛиДеРнинг "Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятни такомиллаштириш" акцияси асосида партиянинг Кармана туман кенгаши ҳам ўз ишини қайта кўриб чикди.

— Фаолиятимизни танқидий таҳлил этиб, бошланғич ташкилотларни тарғибот-ташвиқот материаллари, илмий-усулбий қўлланмалар билан таъминлашга киришдик, — дейди туман кенгаши сектор мудир Г.Ҳамидова. — Вилоят кенгаши ҳузуридаги сиёсий таълим маркази ташкилий ишлар бўлими билан ҳамкорликда БИТ раислари малакасини ошириш, партия депутатлик гуруҳлари ҳамда МФЙлари билан ҳамкорлиги мавзуларида ўтказилган суҳбат ҳамда амалий семинарлар ўз самарасини бера бошлади.

Бошланғич ташкилотлар орасида 2011 йилда "Бобур-Навоий-Плюс" хусусий қорхонаси ҳузурида ташкил этилган, тадбиркор Маҳфуза Қайумова раҳбарлик қилаётган БИТ ҳам ўз ўрнига эга. — Мустақиллик туфайли тадбиркор бўлдик. Ўз бизнесимни йўлга қўйиб, элга танидим. Бунда О'зЛиДеРнинг муносиб ўрни бор, албатта, — дейди ташкилот етакчиси.

Айтиш жоиз, М.Қайумова узок йиллар хитойлик ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қилиб, тадбиркорлик сирларини ўрганди.

2009 йилда 1 гектар ер олиб, 2010 йил февралда ишга туширилган иссиқхонада касалликларга чидамли ва серҳосил «Орзу» навли бодринг, «Минхер», «Аксиома» навли помидор уруғларидан экиб, юкори ҳосил еттиштирди.

Мамлакатда тадбиркорлик субъектлари ривож учун яратилган кенг имконият, солиқлар бўйича имтиёз ҳамда "Кишлоққурилишбанк"нинг Навоий вилоят филиалининг 150 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига иссиқхонада иситиш тизими янгиланди. Ҳосилдорлик кескин ошди ва 13 та янги иш ўрни яратилди.

Қорхонада қишлоқ хўжалик экинларидан юкори ҳосил олинаётганидан хабар топан Голландиянинг уруғ еттиштирувчи "НЮНЮМС" фирмаси бу ерда амалий семинар ўтказиб, тадбиркор тажрибасини омдалаштиришга киришди.

— Ўз фаолиятини бошлаган тадбиркор ҳам иқтисодчи, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам сиёсатшунос бўлиши лозим экан. Шу бонс тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини химоя қилувчи Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига аъзо бўлдим,

— дейди Маҳфузаҳон.

Айни пайтда қаҳрамонимиз О'зЛиДеР туман кенгаши томонидан уюштирилган ўқув, суҳбат, амалий семинарларда фаол иштирок этиб, замонавий билимларини ҳам оширмоқда. "Иил аёли" кўриктанловининг туман, вилоят босқичидан кейин республика босқичи совриндори, деган юксак ном эса унинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"даги энг катта ютуғи бўлди.

— Ишда муваффақиятга эришаман, деган тадбиркорда гап ва иш уйғунлиги бўлиши даркор, — дейди БИТ раиси. — Ўз сафдошларимиз ва тарафдорларимизни кўпайтириш учун айтадиган ҳар бир сўзимизга, энг аввало, ўзимиз қатъий амал қилмоғимиз лозим.

Хам қорхона раҳбари, ҳам БИТ етакчиси сифатида М.Қайумова ўз ишчи-ҳодимларига моддий ва маънавий кўмак беришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб билади. Айни кунда уларга бизнес-режа тузиш, ишни ташкил этиш бўйича маслаҳат, йўл-йўриқлар кўрсатиб, банкдан кредит олиш масалаларида ҳам амалий кўмак бермоқда.

Учинчи сектор

ННТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан «Нодавлат нотижорат ташкилотлар — фуқаролар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омили» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятда фаолият юритаётган ННТлар вакиллари иштирок этган тадбирда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бу жараёнда ННТлар ролин янада кучайтириш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, айни кунда мамлакатимизда ННТлар билан давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Чунки, «Мустақам оила йили» муносабати билан жойларда маънан етук, жисмонан соғлом авлодин камол топтиришга қаратилган изчил тадбирлар амалга ошириляпти. Давра суҳбатда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш механизмининг такомиллаштириш мавзуларида маърузалар ҳам тингланди.

XXI ASR
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Иқтисодиёт

«Асака» банк:

Реклама ўрнида


Ҳисоб-китобнинг
энг қулай ва самарали усули

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА ҚўРА, «АСАКА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛГАН ПЛАСТИК КАРТАЛАР МИҚДОРИ 825 МИНГТАДАН ОШИБ КЕТДИ. САВДО ВА ХИЗМАТ КўРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ, БАНК КАССАЛАРИ ҲАМДА КОММУНАЛ ТўЛОВЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШОХОБЧАЛАРИДА ўРНАТИЛГАН ТЕРМИНАЛЛАР Сони ЭСА 7862 НИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Маълумки, бугунги кунда пластик карточкалар юртимизда тобора омаллашиб бормоқда. Бойси, ушбу тўлов воситаси ҳар жихатдан қулай ва маънафатлидир.

«Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки фаолиятида хизмат кўрсатиш маданиятининг юқорилиги, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларнинг изчиллиги яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш, хизмат маданиятини ошириш диққат марказида турган масалалардан биридир. Тўловларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш, тажрибаси сингалган самарали усул ҳисобланиб, бу нақд пулга бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада камайтиради. «Асака» банки пластик карточкаларни эмиссия қилиш борасидаги фаолиятини 1999 йилда бошлаган эди. Ўтган давр мобайнида бир қатор натижаларга эришилди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки томонидан чиқарилган пластик карта-лар миқдори 825 мингтадан ошиб кетди. Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, банк кассалари ҳамда коммунал тўловларни қабул қилиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар сони эса 7862 ни



ташқил этмоқда. Нақд пулсиз, яъни пластик карта-лар орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар миқдори ҳам кенгайиб бораётган. Дейлик, 2010 йилда 498 млрд. сўм, ўтган йили эса 713 млрд. сўм миқдорида савдо айланмаси шу асосда амалга оширилган. Кези келганда, банкнинг корпоратив миқдорлар учун таклиф этиётган иш ҳақи лойиҳалари хусусида ҳам қисқача тўхталаш жонз. Зеро, ушбу лойиҳа ҳар жихатдан қулай ва ишончлидир. Айни пайтда банк томонидан республикамизнинг бир қатор корхона ва ташкилотларида 6639 та «Иш ҳақи» лойиҳаси жорий этилган бўлиб, унда ойлик маошлар ва унга тенглаштирилган маблағларни пластик карта-лар орқали олиш имконини бермоқда. Мижозларга осон бўлиши учун филиаллардаги жамғарма кассалари

ва барча мини-банкларда 329 та терминал ўрнатилган. Шунингдек, коммунал тўловларнинг барча турларини ҳамда алоқа хизматларини учун тўловларни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шаклида амалга ошириш учун жойларда 35 та инфокиоск, 35 та банкомат фаолият кўрсатмоқда.

Банк жамоаси замонавий хизмат маданиятини ошириш, мижозларга янги қулайликлар яратиш йўлида жиддий ишларни олиб бормоқда. Айни кунда аҳоли гавжум жойлар, хизмат кўрсатиш нуқталарида 7346 та терминаллар ўрнатилган бўлиб, улардан исталган пайтда фойдаланиш мумкин. Марказий банк бошқармаси қарори билан пластик карта эгалари учун бир қатор қўшимча имкониятлар яратилганлиги ҳам эътиборга моликдир. Дейлик, илгари маҳсулот ёки

хизматлар учун ҳақ тўлашда шахсни тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинган бўлса, ҳозирда бундай қоида ўз кучини йўқотган.

Электрон ҳисоб-китоб, яъни пластик карта тизими давлат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, албатта. Яъни, бунда нақд пулларнинг айланишини тартибга солиш, уларнинг муомаладаги қисмини камайтириш, қолаверса, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш имконияти каттадир. Аҳоли, шунингдек, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар тезлашади.

Умуман олганда, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки жамоаси хизмат сифати ва маданиятини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу эса янги ютуқларга йўл очаётир.

Сўранг,
жавоб
берамиз!

«ИМТИЁЗЛИ
КРЕДИТЛАР
ОЛИШ УЧУН
ҚАНДАЙ
ҲУЖЖАТЛАР
КЕРАК?»

Ёш оилалар имтиёзли банк кредитларидан фойдаланиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этишлари керак? Умуман, «Ёш оила» деганда қандай оилалар назарда тутилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Б. Исоқов,
Тошкент шаҳри».

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Кичик бизнесни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари М. Шоназаровнинг таъкидлашича, ёш оила топчасига 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар қиради. Улар банклар томонидан тақдим этиладиган қуйидаги кредит турларидан фойдаланишлари мумкин: — талбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайдиган 2 йилгача муддатга бериладиган микрокредит; — сотиб олинган қўчмас мулкни гаровга олиш орқали, яқка тартибда, шунингдек, намунавий лойиҳа асосида уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун энг кам иш ҳақининг 3000 бараваригача, уй-жойнинг реконструкция қилиш, шунингдек, қўч қаватли уйдagi квартирани сотиб олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача бўлган ипотека кредитини олишлари мумкин. Мазкур кредит ёш оилаларга 15 йилдан кам бўлмаган муддатга берилди.

Tagbirkorlik

Банк банкрот
корхонани «ҳаёт»га қайтарди


«UZ BOTTLERS GROUP» ҚўШМА КОРХОНАСИ
КРЕДИТЛАРНИ ҚАЙТАРА ОЛМАЙ, БАТТАР ҚАРЗГА БОТДИ

Муҳаббат
РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

Корхона фаолияти бутунлай тўхтаб, ишчи-хизматчиларга маош ҳам тўланмай қолган... 2010 йилда суд корхонани банкрот, деб топиб, туғатилиш учун ташқи бошқарувчи тайинланди.

«Ўзсаноатқурилиш-банк» ОАТБ корхонани ўз тасарруфига олгандан сўнг, тезда қайта тиклаш ишларига киришилди. Худди шундай ҳолат «JOMBOY AZZAM KONSERVA» МЧЖ билан ҳам рўй берди. Мазкур корхона-ларни қайта оёққа қўйиш мақсадида бошқарув қарорига қўра, банкрот корхоналар мол-мулк негизда тоза ичимлик сув, табиий шарбат ва консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Samarqand Aqua Line» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

— Хар икки корхона ҳам деярли тўрт-беш йилдан бери фаолият юритмагани туфайли уларнинг бинолари таъмирталаб аҳволга келиб қолган эди, — дейди «Samarqand Aqua Line» МЧЖ бош директори Ҳамза Ҳамдамов. —



Банкдан ажратилган 520 миллион сўм маблағ эвазига бинолар ва ишлаб чиқариш цехлари таъмирланди. 420 млн. сўмлик қўшимча сармоя ҳисобига маҳсулотларни қадоклаш учун зарур хом ашё ҳамда юк автомобиллари сотиб олинди. Ишчиларга маош тўлай бошланди.

2011 йилнинг августи-дан ишлаб чиқариш тўлиқ йўлга қўйилди. 60 та мавсумий, 10 та доимий иш

ўрни яратилган, томат пастаси, помидор, бодринг, булғор қалампирдан тортиб олма, гилос кампотлари, беш литрдан ўн беш литргача маҳсулоти идишларга қадокланган тоза ичимлик сув каби йигирмадан ортқ турдаги маҳсулот тайёрлана бошланди.

Айни пайтда корхона маҳсулотлари ички бозордан ташқари Россия ва Қозғоғистонга ҳам экспорт қилинмоқда.

«Аёллар қаноти»

«Дийдор» дийдорга чорлаяпти

О'ЗЛИДЕР ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ФАОЛЛАРИ «МУСТАҲЖАМ ОИЛА ЙИЛИ»ДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ЖОНЛАНТИРИШНИНГ ҚАДИМИЙ ВА АЙНИ ПАЙТДА ОММАБОП УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНА БОШЛАДИЛАР

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

Сафдошларимиз энди айрим тарғибот тадбирларини маҳаллалардаги қай-вони онахонлар даврасида, келинчақлар беазаган дастурхон устида ҳам ўтказмоқдалар. Вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган сайёр гуруҳ шунинг учун ҳам «Дийдор» деб номланди. Ўз Низоми ва чора-тадбирлар режасига эга мазкур клуб аъзоларининг 13 нафари вилоятнинг турли ҳудудларига бириктирилди.

— Бугун ўз сафимизга 3000 нафар опа-сингилларимизни бирлаштириб, аёлларнинг сиёсий фаолиятини оширишга йўналтирилган тадбирларни тизимли равишда ўтказаямиз, — дейди вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Наргиза Мавлонова. — «Дийдор» сайёр гуруҳининг эса бу борадаги фаолиятимизни янада ривожлантиришга ишонаман. Зеро, клуб аъзолари ёш оилаларни тадбиркорликка жалб этиш, хонадон бизнесини йўлга



қўйиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Қисқа фурсатда сафимиз 25 нафарга ошгани ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар маҳсулидир. Ҳа, яхшилик ва яхши амалларни ҳар кун ва ҳар ким қилмоғи лозим, дейди доно халқимиз. Ибратли ишлардан эса кўнчилик сабоқ олади, ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Партия фидойиларининг ўз электорати

билан дийдорлашиб, уларнинг дилидаги сўзлар билан тиллашаётгани шу маънода ҳам диққатга сазовордир. Тарғибот тадбирларининг миллий ўзгичлигига хос ана шундай шаклларнинг оммалашуви сўнгги пайтларда турли эътирозларга сабаб бўлаётган бир қолпдаги, зерикарли тадбирлар, улардаги узундан-узок маърузалар ўрнини эгаласе ажаб эмас.

Қулайлик

ЛИЦЕНЗИЯНИГИЗ
БЎЛСА, НАВБАТ
ҚУТМАЙСИЗ

Наманган вилоятидаги газ қуйиш шохобчаларида лицензияга эга бўлган таксилар учун алоҳида йўлақчалар ажратила бошланди. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, айни пайтда Наманган вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жиҳозланган енгил автомобиллар сони 345 тага етган. Сарик ранга бўялган, шунингдек, бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган таксилар сонини 64 тага етказган «Умид» хусусий корхонаси эса бу борада пешқадамлик қилмоқда. Айни пайтда вилоят ҳудудида айнан йўналишсиз таксилар учун барпо этилиши режалаштирилган 13 та маҳсул тўхташ жойларининг 12 таси фойдаланишга тошпирилди.

Қутлов


«ТРАСТБАНК»

хусусий очик акциядорлик биржа банки жамоаси

Мамлакатимиз халқи ва меҳмонларини покляниш ва яшариш фасли — Наврўзи олам билан чин юракдан қутлайди. Азалий ва қадрли байрам юртимизга қут-барака, тотувлик ва шодлик олиб келсин. Жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори янада юксалаверсин!

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

ОЗОД ВА ОБОД
юртимиз равнақи,
иқтисодиётимиз
барқарорлигини
таъминлаш йўлида
фидокорона
меҳнат қилаётган
ҳамюртларимизни
НАВРЎ
шодиёналари
билан қутлайди.



Осмонимиз ҳамиша мусаффо, хонадонларимиз осойишта,
дастурхонларимиз бугунгидек тўкин бўлсин!

Энг илғор V3Bog командири

Муқаддас бурчга садоқат

КАПИТАН НОДИР СОЛИЕВ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ТАШКИЛ
ТОПГАНИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ЎТКАЗИЛГАН
«ЭНГ ИЛҒОР МУТАХАССИС» КЎРИК-ТАНЛОВИДА «ЭНГ ИЛҒОР ВЗВОД
КОМАНДИРИ» НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА ГОЛИБ, ДЕБ ТОПИЛДИ

Қуrolли Кучлари-
мизда Юртбошимиз
тақлифига кўра ташкил
этилган мазкур кўрик-
танлов ҳарбий хизматчи-
ларнинг соҳага оид би-
лимларини мустаҳкам-
лаш, малака ва маҳорат-
ларини ошириш ҳамда
ўзaro тажриба алмашиш
имконини бeraтгани билан
ҳам низоҳда аҳамият-
лидир. Зеро, миллий
армиямиз сафларида хиз-
мат қилаётган, ўз ҳаёти-
ни Ватанини ҳимоя
қилишдек шарафли касб
билан боғланган инсонлар-
нинг интеллектуал сало-
ҳияти етук, том маънода-
ги профессионал кадр-
лар сифатида шакллани-
шида бундай тадбирлар-
нинг ўрни низоҳда му-
ҳимдир.

Капитан Н.Салиев
«Энг илғор мутахассис»

кўрик-танловида илк
марта қатнашганига
қарамай, дастлаб ҳарбий
қисм ва округ микёсида,
сўнгра ҳал қилувчи рес-
публика босқичи шартла-
рини муваффақиятли ба-
жарди. Бундай натижа-
лар замирида йиллар да-
вомидаги изланиш, кас-
бига муҳаббат ва садоқат
муҳасам, албатта. Фа-
олиятини гуруҳ коман-
дирлигидан бошлаган
шижоатли офицер ўз
зиммасига юклатилган
вазифаларни белгилан-
ган вақтда ҳамда аъло
даражада бажариши, юк-
сак бошқарувчилик
қобилияти, жанговар
машғулотлар давомида
қўлга киритилган тажри-
ба орқали ҳарбий қисм
қўмондонлиги назарига
тушди.

Взвод командири ва-

зифасига тайинлангач,
қўл остидаги хизматчи-
ларнинг дунёқарашини
бирма-бир ўрганди.
Шахсий таркибининг жан-
говар тайёргарлигини
синовдан ўтказиб, кам-
чиликларни бартараф
этиш чораларини кўрди.
Жанговар техника во-
ситалари ва қуrol-асла-
халарининг сақланиши
ва жанговар шайлиги
қай даражада эканлигини
синчиклаб ўрганди.
Гуруҳ командири билан
ҳамкорликда тегиш-
ли дастур ишлаб чиқди
ва бирин-кетин амалга
ошира борди. Орадан кўп
ўтмай унинг взводи қис-
мда илғорлар сафидан
жой олди. Айниқса,
дала-ўқув машғулотла-
рида турли тактик вази-
фаларни муваффақият-
ли бажариб, қўмондон-
лик ишончини оқлади.

— Взводни бошқа-
риш, жанговар вази-
фаларни юқори даражада
бажариш, ҳар қандай ва-
зиятда ҳам тўғри қарор

эришиши ҳар жиҳатдан
тинчлик ва оёйиштали-
гимизга боғлиқдир.

Қуrolли Кучлари-
мизнинг йигирма йилли-
ги муносабати билан
Юртбошимизнинг Ватан
ҳимоячиларига йўллаган
байрам табригида:
«Взвод олдида қўйлаёт-
ган вазифаларнинг му-
раккаблашуви ва кенгайи-
ши, унинг роли кескин
кучайиши билан взвод
командирларига ва улар-
нинг профессионал тай-
ёргарлигига нисбатан та-
лаблар ҳам ошиб бор-
моқда. Бугунги кунда
взвод командири ҳар то-
монлама кенг билим ва
юксак профессионал ма-
ҳоратга эга офицер бўли-
ши, фавқуллод ва кес-
кин шaroитларда ўзи му-
стақил равишда ностан-
дарт қарорлар қабул
қила олиши, ўзига бўйсун-
надиган бўлинмаларни
жангда ҳам, кундалик
фаолиятда ҳам моҳирлик
билан бошқара олиши
даркор», дейилади.

Капитан Салиевнинг
хизмат фаолияти билан
яқиндан танишгач, унда
айни шу жиҳатлар му-
ҳасам эканига амин
бўлди.

Қуrolли Кучларимиз-
нинг 20 йиллиги муноса-
бати билан жанговар тай-
ёргарликка, шахсий тар-
кибининг маънавий-маъри-
фий билимларини бойи-
тишга қўшган ҳиссаси
учун Мудофаа вазири-
нинг «Эсдалик нишони»
билан тақдирланган ши-
жоатли командир Юрт-
бошимиз томонидан
қўйилган талабларни
юрқадан ҳис қилиб, виж-
донан адо этиш йўлида
астойдил хизмат қилмоқ-
да.

Жамшид НИЁЗОВ
тайёрлади.

Фестиваль

ҚОРАҚАШОҒИСТОН
«АСРЛАР
САДОСИ-2012»
МЕЗБОНИ

«Ўзбекистон маданияти
ва санъати форуми»
жамғармаси ва
ЮНЕСКОнинг
мамлакатимиздаги
ваколатхонаси томонидан
ишлаб чиқилган йирик
лойиҳа — «Асрлар
садоси» анъанавий
маданият фестивали 5-6
май кунлари
Қорақалпоғистонда
ўтказилган бўлди.
Маълумотларга кўра,
бешинчи маротаба ташкил
этилган мазкур
фестиваль тадбирлари
ҳозирги Элиқалъа
туманида жойлашган ноёб
ёдгорлик — Қадимги
Хоразм давлатининг I-IV
асрларда барпо этилган
пойтахти — Тупроққалъа
тарихий шаҳарчасида,
шунингдек, мутахассислар
томонидан «Сахро
Луври» сифатида
этироф этилган
Нукусдаги дунёга машҳур
И.Савицкий номидаги
санъат музейида бўлиб
ўтди.

Ҳар йили 50 мингдан зиёд
маданият ва санъат
ихлосмандлари,
шунингдек, хорижий
меҳмонлар таъриф
буларидан биринчи
фестиваль 2008 йилда
Шаҳрисабз яқинидаги
қир-адирларда ўтказилган
бўлса, кейинги йилларда
катта сайл кўринишида
ташқил этилган
тадбирларга Тошкент,
Хоразм ва Бухоро
вилоятлари меҳмонлик
қилган.

Теннис

Денис Давид Феррерни енгди

Ҳамюртимиз Денис
Истомин АҚШнинг
Индиан-Уэллс шаҳрида
давом этаётган нуфузли
халқаро мусобақанинг 3-
босқичида жаҳон
рейтингининг 5-поғонасини
эгаллаб турган теннисчи —
испанилик Давид
Феррерни 6:4, 6:3
ҳисобида енгиб,
турнирнинг 1/8 финалига
йўл олди.

Таъкидлаш жоиз: мукофот
жамғармаси қарийб 5,5
миллион долларни ташкил
этувчи «BNP Paribas
Open» деб номланадиган
мусобақа Профессионал
теннисчилар ассоциацияси
— АТР томонидан
ўтказиладиган «премьер»
турнирлар таснифига
киради.

Маълумотларга кўра,
фаолияти давомида дунё
рейтингининг кучли
ўнгалигига кирувчи
теннисчи устидан илк бора
зафар қўчган Денис шу
тарихда Д.Феррернинг 11
та ғалабидан иборат
мағлубиятсиз сериясига чек қўйди.

Энди ҳамюртимиз Новак Жокочич, Рафаэль Надаль ҳамда Рожер Федерер каби
жаҳоннинг энг кучли теннисчилари қатнашаётган турнирнинг чорак финалига чиқиш
учун аргентиналик Хуан Мартин Дель Потрога қарши корта чиқади.

Шухрат ХҲЖАЕВ тайёрлади.



Ҳоғуца

ХИТОЙГА БОРСАНГИЗ,
ҚАЛБАКИ АВТОБУСДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Хитойлик тадбиркорларнинг бозори чакқон ҳар қандай маҳсулотни аслидан
деярли фарқ қилмайдиган тарада ишлаб чиқара олишлари ҳеч қимга сир
эмас. Яқинда мазкур мамлакатнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари
томонидан фирибгарликнинг низоҳатда антика тури фoш этилди.
Англиянинг «The Times» газетасининг ёзишича, Хитой жануби-шарқидаги
йирик шаҳар — Шенженнинг (Гаундун музофоти) серкатнов
йўналишларидан бирида қалбаки автобус пайдо бўлган. 868-йўналишдаги
автобусни кутган йўловчилар бекат олдида уларга керакли транспорт келиб
тўхтаганини кўргач, жуда хурсанд бўлдилар. Бироқ чипталар сотилгач,
салонда пайдо бўлган тўрт нафар барзанги «нозир»лар уларни кўрқитиб,
пул ва қимматбаҳо буюмларни талаб қила бошлаганини. Талон-тарож ишлари
«авж»га чиққан бир пайтда сохта хайдовчи йўловчиларни шаҳар чеккасидаги
овлоқ жойга олиб келишга ҳам улгурди. Ана шу воқеадан бир неча кун
ўтгач, шаҳар полицияси қалбаки транспортни фoш қилишга муваффақ бўлди.
Фирибгарлар оддий йўловчи сифатида айнан 868-автобусга чиққан ҳуқуқ-
тартибот органлари вакиллари томонидан қўлга олинди.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси ижодий жамоаси Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист, тахририй аъзоси Тоҳир Мирҳодиевга кизи
Ироданинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Реклама

КСИМЕЛИН®
Ксилометазолин

Равномерно орошает всю слизистую
носа, обеспечивает дренаж носовых
пазух и полости среднего уха

→ Значительно уменьшает риск
развития осложнений

Эффект наступает сразу же после
применения и длится до 8-10 часов

→ В отличие от сосудосуживающих
короткого действия, не вызывает
возвратного отека слизистой

Точное дозирование
исключает передозировку

→ В рекомендованной
дозе не вызывает
сухости и жжения

NEW!
Новая сила
в борьбе
с насморком

Показания к применению
Острые респираторные заболевания с
явлениями ринита (насморка), острый
аллергический ринит, поллиноз, синусит,
евстахиит, средний отит (для уменьшения
отека слизистой носоглотки). Подготовка
больного к диагностическим манипуляциям
в носовых ходах.

Быстрее насморка!

Йодомарин®
Капсия йодид

**Море всегда
с тобой!**

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Состав: Йодомарин® 100 - содержит йодид калия в дозе 131 мкг (что соответствует 100 мкг йода). Йодомарин® 200 - содержит йодид калия в дозе 262 мкг (что соответствует 200 мкг йода).

Показания: Профилактика йоддефицитных заболеваний (для предотвращения йоддефицитных заболеваний и предотвращения йода у людей, проживающих в районах с дефицитом йода в окружающей среде, в первую очередь у детей, подростков, беременных и кормящих женщин). Лечение диффузного токсического зоба.

Дозировка и профилактическая доза: младенцы и дети - 50-100 мкг в сутки, подростки и взрослые - 100-200 мкг в сутки, беременные и кормящие женщины - 200 мкг, после операции по поводу зоба или после лечения гипертиреоза - 300 мкг в сутки.

Противопоказания: при гипертиреозе, гиперпаратиреозе и других заболеваниях щитовидной железы, при патологическом увеличении щитовидной железы, при патологическом увеличении щитовидной железы, при патологическом увеличении щитовидной железы, при патологическом увеличении щитовидной железы.

Форма выпуска: Йодомарин® - таблетки 100, 200 мкг йода в упаковке.

В-250-95 N 14003, 29.02.08 В-250-95 N 19001, 29.02.08

**BERLIN - CHEMIE
MENARINI**

товар сертифицирован